

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

5111100 – мусиқий таълим йўналиши

4-Е гуруҳ талабаси Тошпўлатов Жамолиддиннинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Мактаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) мусиқасидан
фойдаланиш”

Илмий раҳбар:

ўқит. О.И.Каримов

БУХОРО-2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

Тошпўлатов Жамолиддин Камолбой ўғлининг

**“Мактаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал)
муסיқасидан фойдаланиш”**

**5111100 – Муסיқий таълим йўналиши бакалавр даражасини олиш
учун ёзилган битирув малакавий иши**

(2015-2016- ўқув йили)

Илмий раҳбар:

О. И. Каримов

Расмий оппонент:

п.ф.н., доц.Б.Мадримов

БУХОРО – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ
МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

**“Мақтаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал)
муסיқасидан фойдаланиш”**

Мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 5111100– Муסיқий таълим йўналиши битирувчиси “4-2МУЗ-12” гуруҳ талабаси

Тошпўлатов Жамолиддин

Илмий раҳбар: **О. И. Каримов**

Расмий оппонент: **п.ф.н., доц. Б.Х.Мадримов**

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси “ _____ ” _____ 2016- йил

БУХОРО – 2016

Кафедра муdiri:

"Тасдиқлайман"
Б.Х.Мадримов

12.09.2015- йил.

Битирув малакавий иши бўйича топширик

1. Кафедра: Муסיқий таълим
2. Иш мавзуси: “Мақтаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) муסיқасидан фойдаланиш”
3. Бажарувчи: **Тошпўлатов Жамолиддин**

4. Илмий раҳбар: **О. И. Каримов**

Иш мавзуси университетнинг 2015-йил 336 У сонли буйруғига асосан тасдиқланган.

5. Яқунланган ишнинг топшириш муддати: 01.06.2016- йил
 6. Битирув малакавий ишни бажариш учун талабага берилган топширикнинг қисқача мазмуни ва бажариш муддати:
 - Мавзуга дахлдор адабиётларни тўплаш ҳамда ўқиб чиқиш (октабр ойи).
 - БМИнинг кириш қисмини ёзиш (ноябр ойи).
 - БМИнинг 1-бобини ёзиб, қўлёзма нусхасини илмий раҳбарга топшириш (декабр ойи).
 - БМИнинг 2-бобини ёзиб, қўлёзма нусхасини илмий раҳбарга топшириш (январ ойи).
 - БМИнинг хулоса қисмини ёзиш (феврал ойи).
 - Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш (март ойи).
 - БМИнинг таҳрир қилинган нусхасини компютерда териш ҳамда дафтарда кўчириш (апрел ойи).
 - БМИни Бошланғич ва мактабгача таълим услубиёти (май ойи).
 7. Чизмалар миқдори: _____
 8. Топширик берилган вақт: 2015- йил 15-сентябр
 9. Битирув малакавий иш ҳимоя қилинган кун: _____
 10. Давлат аттестатсияси томонидан қўйилган баҳо: _____
- Талаба имзоси: _____

**Муסיқий таълим кафедрасининг -сон йиғилиш
баённомасидан**

КУЧИРМА

2015- йил 12-сентябр

Қатнашдилар: Муסיқий таълим кафедраси барча профессор-ўқитувчилари

КУН ТАРТИБИ

1. Битирув малакавий иш мавзусини тасдиқлаш.

КАФЕДРА ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Педагогика факултети 4-курс битирувчиси **Тошпўлатов Жамолиддин**га битирув малакавий иш ёзишга рухсат этилсин.
2. **Тошпўлатов Жамолиддиннинг** “Мактаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) муסיқасидан фойдаланиш” мавзуси битирув иши тарзида тасдиқлансин.
3. **Тошпўлатов Жамолиддиннинг** битирув малакавий ишига **О. И. Каримов** илмий раҳбар этиб тайинлансин.

Кафедра мудир:

Б.Х.Мадримов

Котиба:

М.Ражабова

Педагогика факултети
5111100 –Муסיқий таълимбитирувчиси **Тошпўлатов**
Жамолиддиннинг ўзлаштириши
ҳақида

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Талаба **Тошпўлатов Жамолиддин** Бухоро давлат университетида
2012-2016-йилларда ўқиши давомида ўқув режасини тўлиқ
бажарди ва қуйидаги баҳоларда ўзлаштиришга эришди:

“аъло” _____ та

“яхши” _____ та

“қониқарли” _____ та

Факултет декани:

Ш.Р.Баротов

**Муסיқий таълим кафедрасининг
-сон йиғилиш баённомасидан кўчирма**

2016- йил май

Қатнашдилар: Муסיқий таълим кафедраси барча профессор-ўқитувчилари.

КУН ТАРТИБИ

1. Битирув малакавий ишлар муҳокамаси.

КАФЕДРА ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Тошпўлатов Жамолиддин**нинг “Мақтаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) муסיқасидан фойдаланиш” мавзусидаги битирув малакавий иши ДАК талабларига жавоб беради, у синов ҳимоясидан ўтди деб ҳисоблансин ва расмий ҳимояга рухсат этилсин.

2. Талаба **Тошпўлатов Жамолиддин**нинг битирув малакавий ишига **Б.Х.Мадримов** расмий оппонент этиб тайинлансин.

Кафедра мудир:

Б.Х.Мадримов

Котиба:

М.Ражабова

Давлат Аттестация Комиссиясига

Бухоро давлат университети

Педагогика факултети

Тошпўлатов Жамолiddиннинг “Мактаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) мусиқасидан фойдаланиш” мавзусидаги битирув малакавий иши расмий ҳимояга рухсат этилсин.

Ҳимояга битирувчининг ўзлаштириши тўғрисида маълумотнома, битирув малакавий иш ҳақида раҳбар ҳамда кафедра йиғилиши хулосаси, тақриз ва талабага тавсифнома илова қилинади.

Факултет декани:

Ш.Р.Баротов

Б.И.Мустафоев К.Н.Ҳазратова

Котиб: С.Саидий Болтазода

Сана “ ____ ” _____ 2016- й

БухДУ Педагогика факультети Мусиқий таълим кафедраси мусиқий таълим йўналиши 4 курс талабаси Тошпўлатов Жамолиддиннинг “Мактаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) мусиқасидан фойдаланиш” мавзусидаги битирув малакавий ишига

Х У Л О С А В И Й Т А Қ Р И З

Мактаб ўқувчиларига мусиқа таълими бериш билан бир қаторда, унинг ижодкорлик қобилиятини ўстириш, вокал-хор малакаларини ривожлантириш, мусиқани идрок этиш, мусиқий саводхонлиги, ритмик жўр бўлиш каби маҳоратларини ошириш “Мусиқа маданияти” фани дастурида алоҳида уқтирилган. Бошланғич синфларда мусиқа таълимнинг пойдевори қурилади. Унда мусиқага оид барча билимлар (хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш, мусиқага хос ҳаракатлар бажариш, чолғу асбобларида ритмик жўр бўлиш) берилди. Ж. Тошпўлатов ўзининг битирув малакавий ишида бошланғич синфларда мусиқий саводхонлик фаолияти тўғрисида сўз юритади. Чунки мусиқа саводхонлиги, мусиқа назариясига оид тушунчаларни идрок этишдан бошланади. Ишни ёзишда Ж. Тошпўлатов режа асосида масалаларнинг бирин-кетинлиги, ўзаро боғлиқлиги, мантиқий давомийлиги каби жиҳатлар иш моҳиятини тўлиқ очиб беришда ҳаракат қилган. Ж. Тошпўлатов ушбу ишида юқорида қайд этилган жиҳатлар билан бирга бошланғич синф ўқувчиларига умумий тавсиф, мусиқа саводхонлиги фаолиятида ўқув материалларини ҳажми ва унинг мазмунини ёритган. Шунингдек, битирув малакавий ишда муаллифнинг педагогик амалиёти даврида кузатган ва таҳлил қилган дарслардан айрим намуналар, мусиқа саводхонлиги юзасида назарий билим, малака ҳамда кўникмалари баён қилинган. Ишнинг якуний натижасига кўра мусиқа маданияти дарслари жараёнида амалга оширадиган таълим – тарбия мазмуни назарий жиҳатдан изоҳлаб берилди. Иш юзасидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар, мусиқа маданияти дарсларининг сермазмун ўтишини таъминлаши мумкин.

Умуман, Ж. Тошпўлатов ўзининг ишида кўзлаган мақсадга эришган. Ишни ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Илмий раҳбар:

О.Каримов

**БухДУ Педагогика факультети Мусиқий таълим кафедраси
мусиқий таълим йўналиши 4 курс талабаси Тошпўлатов
Жамолiddиннинг “Мактаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал)
мусиқасидан фойдаланиш” мавзусидаги битирув малакавий ишига**

Т А Қ Р И З

Бугунги кунда мусиқа маданияти дарсларида мусиқа тинглаш малакаларини шакллантириш таълим моҳиятини белгиловчи омилдир. Чунки мусиқа тинглаш орқали ўқувчиларда мазкур санъатни тушуниш, унга баҳо бериш, мусиқа чолғу созларига бўлган қизиқишини ривожлантириш мумкин.

Битирувчи Ж.Тошпўлатовўзининг битирув малакавий ишида мазкур муаммони тадқиқ этиш юзасидан аниқ режа тузиб, мусиқашунослик фанида мусиқа чолғу созида ижро этиш имкониятларини , саводхонлик фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари, ўқувчиларда мусиқа тинглаш малакаларини таркиб топтириш йўллари юзасидан анчагина музокаралар юритган. Ўқувчиларга умумий тасниф бериб, мусиқа тинглаш фаолиятида ўқув материаллари ҳажми унинг мазмунини ёритишга ҳаракат қилган. Энг муҳими ўқувчиларда мусиқа тинглашни техник воситалар ёрдамида амалга ошириш йўллари кўрсатиб беришга эришган.

Муаллифишни тайёрлашда айтим-вокал, мусиқа педагогикаси, психологияси, методикаси ҳамда физиология шунингдек мусиқа назарияси ва тарихига оид адабиётларни ўрганиб ўз фикр мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилган.

Хуллас, Ж.Тошпўлатовнинг битирув малакавий иши талаб даражасида бўлиб, уни ҳимояга тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Ички тақриз:

Ж.Т. Ярашев

БухДУ Педагогика факультети Мусиқий таълим кафедраси мусиқий таълим йўналиши 4 курс талабаси Тошпўлатов Жамолиддиннинг “Мақтаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) мусиқасидан фойдаланиш” мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Республикаимиз Президенти И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида “... Келажагимиз пойдевори билим даргоҳида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишга боғлиқ” деб таъкидлайди.

Бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама пухта билим бериш, уларни Ватанимизнинг етук ва баркамол кишилари қилиб тарбиялашда мактаб муҳим рол ўйнайди. Мактабда мусиқа маданияти дарсларида мусиқа тинглаш малакаларини шакллантириш таълим моҳиятини белгиловчи омилдир. Чунки мусиқа тинглаш орқали ўқувчиларда мазкур санъатни тушуниш, унга баҳо бериш, мусиқа чолғу созларига бўлган қизиқишини ривожлантириш мумкин.

Битирувчи Ж.Тошпўлатов ўзининг битирув малакавий ишида мазкур муаммони тадқиқ этиш юзасидан аниқ режа тузиб, мусиқашунослик фанида мусиқа чолғу созида ижро этиш имкониятларини, саводхонлик фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари, ўқувчиларда мусиқа тинглаш малакаларини таркиб топтириш йўллари юзасидан анчагина музокаралар юритган. Ўқувчиларга умумий тасниф бериб, мусиқа тинглаш фаолиятида ўқув материаллари ҳажми унинг мазмунини ёритишга ҳаракат қилган. Энг муҳими ўқувчиларда мусиқа тинглашни техник воситалар ёрдамида амалга ошириш йўллари кўрсатиб беришга эришган.

Муаллифишни тайёрлашда чолғу ижро, вокал ижро, мусиқа педагогикаси, психологияси, методикаси ҳамда физиология шунингдек мусиқа назарияси ва тарихига оид адабиётларни ўрганиб ўз фикр мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилган.

Ишнинг якуний натижасига кўра мусиқа маданияти дарслари жараёнида амалга оширадиган таълим – тарбия мазмуни назарий жиҳатдан изоҳлаб берилди. Иш юзасидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар, мусиқа маданияти дарсларининг сермазмун ўтишини таъминлаши айтиб ўтилган.

Хуллас, Ж.Тошпўлатовнинг битирув малакавий иши талаб даражасида бўлиб, уни ҳимояга тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Ташқи тақриз: “Санъат” коллежи ўқит.Ф. Нуриллаев

М У Н Д А Р И Ж А

Режа :

Кириш	14-15
1.БОБ.УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	16
1.1. Айтим (вокал) ижро услублари.....	16-23
1.2. Мактаб мусиқа дарслари дастури ва дарсликларида айтим (вокал) асарларининг ўрни.....	23-34
2.БОБ.МАКТАБ АМАЛИЁТИДАГИ АЙТИМ (ВОКАЛ) АСАРЛАРИ МИСОЛИДА ҚЎШИҚ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИГА ТАВСИФ БЕРИШ.....	35
2.1.Айтим (вокал) асарлари мисолида қўшиқ ўргатиш жараёнига тавсиф бериш.....	35-48
2.2. Мусиқа маданияти дарслари ва дастури дарсликларида хилма – хил тур ва жанрларига мансуб айтим вокал асарлари.....	48-58
ХУЛОСА.....	59
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	60
ИЛОВАЛАР.....	61-67

Кириш.

Муסיқа маданияти жамиятимиз маънавий тараққиётида муҳим аҳамият касб этаётганлиги барчамизга аён. Бунинг боиси бор, албатта. Зеро, муסיқа орқали ёш авлод онгида юксак маънавиятни шакллантириш имкониятлари кенглиги сабабли, мамлакатимиз миқёсида муסיқа таълимига катта аҳамият берилмоқда.

Кейинги ижтимоий ривожланиш йилларида миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, амалий ва бадий санъат турларининг қайта тикланиши муסיқа таълимида халқ муסיқасига кенг мурожаат қилиш, профессионал ҳамда фольклор муסיқаси намуналари билан ўқувчиларни таништириш, уларни хорда жамоавий куйлаш ва тинглашга ўргатишнинг илғор усулларини амалиётда қўллаш бўйича маълум ишлар амалга оширилди.

“Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ўқувчиларнинг маънавияти ва бадий - муסיқий савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, 2016 йилни муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов томонидан “**Соғлом она ва бола йили**” деб эълон қилиниши янги авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

Шу аснода Республикаимиз Президенти И. А. Каримов томонидан 2008 йил 8-июлда имзоланган “Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 - 2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги қарорни эслашимиз жоиз.

Ушбу қарор ёш авлодга маънавий - эстетик тарбия беришни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Жумладан, қарорда: - “Униб ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон

мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич муסיқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий техник базасини шакллантириш, уларни муסיқий маданият ва санъат соҳасидаги юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилган¹.

Мазкур қарор тўғридан - тўғри умумтаълим мактаби мусиқа таълимига ҳам дахлдордир. Чунки, мусиқа ва санъат мактабларига болалар айнан умумтаълим мактабидан боради. Уларни махсус мактабларга тайёрлаш ишлари умумтаълим мактабида амалга оширилади. Юқоридаги давлат хужжатига асосланган ҳолда мусиқа таълимини ривожлантириш, уни сифат жиҳатидан юқори даражада кўтариш ҳозирги кунда долзарб масалага айланди.

Шу боис, умумтаълим мактаби ўқувчиларида муסיқий фаолиятларга нисбатан қизиқишларни мунтазам, узлуксиз тарзда шакллантириб боришга ҳаракат қилиш зарур. Бу эса, ўқувчиларда вокал - хор малакаларини тизимли тарзда шакллантириб боришнинг муҳим омилдир.

Биз амалиёт даврида мактабда мусиқа маданияти дарси орқали олиб борилаётган муסיқий таълим-тарбия жараёнини ўрганиб, шундай хулосага келдикки, бу борада ҳали анчагина муаммолар мавжуд. Жумладан, ўқувчиларнинг чолғу созлари ҳақидаги тасаввурлари, чолғу ижрочилиги, мусиқани идрок этиш қобилияти, чолғу созига ритмик жўр бўлиш ҳамда ижодкорлик каби соҳаларда замон талабидан келиб чиқиб анчагина ишларни бажариш зарурияти сезилмоқда. Шуларни инобатга олиб ушбу битирув малакавий ишимизнинг мавзусини **“Мактаб ўқувчилари тарбиясида айтим (вокал) мусиқасидан фойдаланиш”** деб танладик.

¹“Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил 9 июль сони.

1.БОБ.Умумтаълим мактабларида муסיқа маданияти

дарсларининг ўзига хос хусусиятлари.

1.1. Айтим (вокал) ижро услублари.

Муסיқа санъати ижтимоий онгининг шаклларида бири ҳисобланади. Ҳар бир муסיқа асари чолғу ёки вокал муסיқа асари ҳисобланади. Умуман муסיқа асари хилма-хил товушларнинг ўз ўрнида ишлатилишидан вужудга келади. Муסיқа асарларининг вокал тури энг қадимий бўлиб улар ипtidoий даврлардаёқ меҳнат жараёни (асосан ов) жараёни билан боғлиқ товушлардан ривожланиб вужудга келган. Бу борада машҳур муסיқашунос А. С. Грубернинг бутун дунё муסיқаси умумий тарихи китобида кенг тушунчалар берилган. Вокал муסיқаси ривожланиб аста-секин ҳар хил шаклларга эга бўлган. XIII-XVII асрларда Европа муסיқасида вокал жанрлари асосан черков муסיқасида кенг ўрин тутиб, кейинчалик дунёвий муסיқа жанрларида ҳам кенг қўлланила бошланди. Масалан XVI-асрнинг охири XVII-асрнинг бошларида Италиянинг Флоренция шаҳрида бир гуруҳ композиторлар, драммотурғлар, актёрлар ижодий маҳсули сифатида пайдо бўлган опера жанрларида вокал муסיқаси асосий ўрин тутган. Чолғумуסיқаси эса бу жараёнда иккинчи даражали бўлиб дастлаб симфония деб аталган, кейинчалик увертюрадан ташқари барча ария, дуэт, ва ансамблларда фақат жўр бўлиш вазифасини бажарган.

Вокал ва чолғу муסיқа жанрлари етарли даражада мустақил бўлган ҳозирги даврда мактаб ўқувчилари репертуарида ҳар иккала бу йўналишлардаги муסיқа намуналари тавсия этилган. Гарчи биз айтим (вокал) муסיқаси ҳақида фикр юритар эканмиз, вокал ижрони акапелла ижро услубидан ташқари барча услубларда, чолғу муסיқаси жўрлигисиз тасаввур қила олмаймиз. Муסיқа фаолиятида вокал муסיқа асарлари асосан кўшиқ ўрганиш жараёни давомида амалга ошади. Шунингдек дарсда муסיқа тинглаш ва бошқа фаолиятлар давомида ҳам вокал

мусиқаси намуналаридан фойдаланилади. Масалан: Ўқувчилар мустика тинглаш жараёнида турли кўшиқлар, мумтоз ашула шўъбалари, мустикали сахна асарлари ва опералардан ариялар тингланганда вокал мустика ижоди билан танишадилар. Шу сабабдан биз ўз ишимизда ўқувчиларнинг вокал вокал мустика намуналарининг ўрганишлари ва унинг масалаларини кўриб чиқишни режалаштирдик. Вокал мустика жанрларини ўзлаштириш учун мазкур ижрочилик услуби қоидалари билан танишмоқлари зарурдир. Бу қоидалар ўқувчиларнинг дарсликларида берилган. Улар асосан қуйдагилардир:

- 1) Кўшиқ айтилаётганда қоматни ростлаб эркин туриш керак.
- 2) Кўшиқни майин, оҳиста ва бақирмасдан айтиш: Сўзларини аниқ ва бурро талаффуз қилиш.
- 3) Кўшиқдаги урғуни бўғинларни чўзиброқ, урғусизларни эса қисқа-қисқа айтиш (талаффуз қилиш).
- 4) Нафасни авайлаб, мисра охиригача етказиб ишлатиш.
- 5) Жамоа бўлиб кўшиқ ижро қилганда ўртоқлар билан баробар айтиш, улардан кейинга ҳам қолмаслик, илгарилаб ҳам кетмаслик.
- 6) Кўшиқ айтаётганда мустика ўқитувчисининг қўл ҳаракатларига риоя қилиб, кўрсатмаларини аниқ бажариш.
- 7) Кўшиқ айтаётганда аввал шеър мазмунини яхши тушуниб, куйга мос равишда айтишга эътибор бериш.
- 8) Кўшиқни ёқимли куйлаш учун овозни доимо эҳтиёт қилиш ва касалликдан асрашни ёдда тутиш.

Юқоридаги қоидаларга амал қилиш, ўрганиш учун дарсликларда турли вокал-хор машқлари берилган. Бу машқлар асосан халқ мустикаси намуналаридан олинган бўлиб, ўқувчилар овоз диапозонини пастги ва

юқориги товушлари оралиғини пухта ўзлаштириш, кўшиқни суръатига қараб нафасни мисра охиригача етказиб, тез ижро қилинадиган кўшиқларда нафасни тежамасдан унинг мисра охиригача чиқариб тугатиш икки ва ундан кўп овозларда кўшиқ айтишни ўрганишга ёрдам беради. Хорда куйлаш 1-синфнинг 1-дарсларидан бошлаб ўқитувчи ашула айтиш ҳолати, партада ўтириш ёки туриб куйлаётганда бош, қўл ва оёқларни тўғри тутиш лозимлиги ҳақида болаларга тушунча бериб борилади. Куйлаганда гавдани қийшайтирмасдан тўғри тутиш, елкаларни енгил кериб, елкани ортиқча кўтармасдан, бўйинни ва бошни ёки кафтларни тиззалар устига енгил кўйиб энгашмасдан ўтириш ва оёқларни елка кенглигида кўйиш каби ҳолатлари устида иш олиб борилади. Бу иш ҳар бир дарсда қайта-қайта такрорланади ва бутун йил давомида назорат қилиб бориш билан болаларда кўникма ҳосил қиладилар.

Маълумки, куйлаш нафасини тўғри олиш ва ундан фойдалана олиш асосида амалга ошади. Ўқувчилар нафасни кўкрак қисмидан олишлари сабабли кафтларини кўтаришлари, жумлани тугатмасдан ёки бўлиб нафас олишлари табиийдир. Шунинг учун елкаларни кўтармасдан вазмин нафас олиш жумла (фраза) ҳамда сўз ўрталарида нафас олмасликка алоҳида эътибор бериш лозим. Нафас устида ишлаганда болалар диққати товушларнинг чиройли жаранглашига алоҳида жалб қилинади ва бунга гул ҳидлагандек эркин, шошилмасдан олиш ҳисобига эришиш мумкинлиги ҳақида тушунча берилади. Аммо уларга нафас олиш фаолияти ҳақида батафсил тушунча беришга уриниш мутлақо тавсия этилмайди. Болалар машқ ва кўшиқларни куйлаганларида ўқитувчининг қўл ишораларига қараб нафас олишига ва уни жумла охиригача етказишга одатлантириб борилади. Аста-секин дрижёрлик ҳолатлари (диққат, нафас олиш)га одатлантириб бориш болаларда нафасни тўғри йўлга кўйишда айниқса, қўл келади. Ўқитувчининг ишорасига қараб

унинг талабаларини бажариш жараёни ўқувчиларни билвосита тўғри нафас олиш ва куйлашига ҳам тайёрлаб боради. Болалар оладиган нафас ҳажмининг имкониятини ҳисобга олиб, ўқитувчи машқ ва кўшиқларида нафас олинадиган жойларни олдиндан белгилаб олмоғи лозим. Ўқувчиларнинг куйлаш иқтидорини шакиллантириш ва ўстириш ишлари, биринчи навбатда мусиқа товушларини диққат билан эшитиш ва уларни ноаниқ баландликда куйлаб бора олиш қобилиятини ривожлантириш асосида амалга оширилади. Кичик ёшдаги болаларда кўшиқни куйлаганда кўпроқ нутқ товушларидан фойдаланишига интилиш ҳолларини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу ишларни биринчи навбатда, болаларни битта товушда чўзиб майин (легатода) куйлашига ўргатишдан бошламоқ зарурдир.

Мазкур машқларда ўқитувчи кўлига қараб, “соль” товуши осойишта, аммо чаққон нафас олиб, уни текис чиқариш билан куйланади. Овоз сифати нафас маромига боғлиқдир. Ўқувчиларни куйлашга қизиқтира олиш, кўп жиҳатдан ўрганиладиган ҳар бир машқ ёки кўшиқнинг ўқитувчи томонидан чиройли қилиб куйлаб берилишига боғлиқдир. Чунки ёш болалар билан олиб бориладиган вокал-хор иши, кўпинча ўқитувчи овозига тақлид қилиб куйлашга асосланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ўзи ёқимли куйлаб олиши ҳамда ўқувчиларнинг чиройли овозда куйлашлари устида мунтаъзам иш олиб бориши керак. Бу энг аввало, уларга бир товушни майин овозда чўзиб куйлашга ўргатишдан бошланади. Айниқса, бу майинликни ғижжак ёки скрипка камонини тортгандай кўл ҳаракатларини бажариш орқали ифодалаб бериш ва болаларга ижронинг характерини янада равшанроқ очиб беришга имкон беради. Бошланғич синфларда (биринчи синфда) болаларнинг майин товушда куйлашлари овознинг мулойим ва ёқимли бўлишини таъминлайди. Қаттиқ атакадан фойдаланиш болалар овозига қўполлик ва дағаллик олиб келиши мумкин. Бақириб, зўриқиб куйлаш эса вокал-хор

малакаларининг нормал шакилланишига халакит беради, овозларга путур етказади. Хор санъатининг муҳим шартини соз ва ансамблга эришишдир. Соз ҳар бир боланинг мусиқа товушлари баландлигини аниқ куйлай олишга асосланади. Барча болаларнинг созга бир хил тушиши хорда интонацион жиҳатдан уйғунлашишга имконият яратади. Шунинг учун биринчи дарсдан бошлаб, соз устида мунтаъзам иш олиб борилади, айниқса мусиқа ўқитувчиси суст болаларга эътибор қаратмоғи лозим. Соз маромига етгач, интонацион, динамик, темп ва ритм ансамбллари устида кунт билан иш олиб борилади. Фақат шундагина соф унисонга эришиш мумкин бўлади. Юқорида айтганимиздек, ансамблларга эришишда ўқитувчининг дрижёрлик ишоралари муҳим роль ўйнайди. Вокал-хор ишида талаффуз (дикция)нинг яхши ривожланиши муҳимдир. Бунда артикуляция органлари (лаб, тил, жағ ва бошқалар)нинг актив ҳаракатидаги ҳамжиҳатлиги, бунинг воситасида поэти-сўз, фонетик-вокал жиҳатдан аниқ, оҳангдор, мазмунан ифодали талаффуз этилишига эришиш лозим. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлик, овоз аппаратини сиқиб гапириш каби нуқсонлар учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан индивидуал иш олиб бориш, группа ўқитувчиси ва ота-оналар билан алоқада бўлиб, амалий иш юритиш лозим. Энг муҳими, болаларни машқ ва қўшиқлар текстини вокал талаффузига ўргата бориш лозим. Масалан, қўшиқ матнида мана шу мисра қуйдагича ёзилади;

“Лай-лак қо-ру лай-лак қор”

Ашулада бу қуйдагича куйланади:

“Лай-ла-к қо-ру-лай-ла-к қор”

Ашулачиликда унли товушни тўғри шакллантирилиши муҳимдир. Бу иш вокал-хор материаллари, вокал машқлари, машқ-қўшиқ ва қўшиқларни ўрганиб куйлаш жараёнида амалга оширилиади. Шунинг назарда тутиш

лозимки, она тили нутқимизда унли товушдан кўра, ундош товушлар кўпроқ ишлатилади. Шунинг учун ўқувчининг вазифаси кўпроқ унли товушларни куйчан чўзиб куйлаш ҳисобига ундош товушларни қисқа ва аниқ талаффуз этишга эришишдан иборатдир. Бунда товушларнинг нутқ талаффузини ашулачилик талаффузига яқинлаштириб куйлашга интилиш лозим. Бу миллий талффуз колоротини сақлаган ҳолда куйлашда товушларни яқин, юмшоқ ва лўнда қилиб талаффуз этишга ёрдам беради. **Масалан:** “А” товуши, талдаффузи – очик, куйлаши – лабларга яқин. “О” товуши, талдаффузи – очик, томоққа яқин, куйланиши – ёпикли, бир оз “О”га яқинлаштириб куйланади.

“Е” товуши, талдаффузи – очик, ёпик. Кўпинча “Е” ёки “Э” тарзида (“терма”, “текин”) деб келади, куйланиши лабларга яқин, ёпикли юмшоқ куйланади. Ёпикли “лўнда”, “Е”терзда келадиган сўзларни “Э” га яқинлаштириб куйланади.

“И” товушини тил олди, йиғик, баъзан сиқик ҳолда талаффуз этилади. Уни фақат овоз аппаратининг эркинлиги ва енгил нафасда “У”га яқинлаштириб куйлаш лозим. Айниқса “А”, “Э” ва “И” товушларининг эркин, юмшўқ, “лўнда” ва лабга яқин куйланиши вокал талаффузи малакаларининг ижобий шаклланиши учун муҳимдир.

Уларни вокал машқларида “ да, дэ, ди, ма, мэ, ми ” каби бўғинлар билан куйлатиш фойдалидир. “У” ва “ю” товушлари ёпикли ва юмшоқ куйлаш учун қулайдир. Шунинг учун бир товушда “гул”, “ду”, “лю” каби сўз ва бўғинларда машқ куйлаш, овозларни юмшатиб, умумий созга туширишда муҳим рол ўйнайди. “Ў” товуши эса “у” товушидан кўра чуқур талаффуз этилиши сабабли уни “О” ва “У” ўртасига яқинлаштириб, юмшоқ талаффуз этиш лозим. Ундош товушларни кескин чакқон ва аниқ талаффуз этиб, уларни унли товушлар позициясида куйлашга ўргатиб бориш лозим.

“Қ”, “х” ва “ғ” товушлари нутқда томоққа яқин талаффуз этилади. Куйлашда талаффуз механизмини ўзгартирмай, уларни юмшоқ талаффуз этишга эришиш лозим. Аслида ўзбек шеърияти ўзининг лирик хусусияти, нафислиги, майинлиги ва муסיқийлиги билан машҳурдир. Шунинг учун товушларни тўғри шакиллантириб, машқ ва кўшиқ сўзларини ифодали, аниқ ва хушоҳанг талаффуз этишга эришиш вокал–хор ишларининг ютуғида муҳим рол ўйнайди.

Вокал–хор машқлари қаторида илк бор оддий ва кичик кўшиқлар ёки осон куйланадиган парчалар машқ–кўшиқ сифатида берилдики, бу вокал–хор ишида давомийликни ва оддийликдан мураккабга ўтиш системасини ташкил этади. Махсус танланган, ихчам ва қулай машқ кўшиқлар вокал–хор малакаларини мақсадга мувофиқ шакллантиришга ёрдам беради.

Икки овозликни ҳис этиш қобилияти биринчи синфдан бошлаб ривожлантирилади. Унинг асоси соф унисонга эришишдадир. Куйларга жўр бўлиш, ўқувчилар куйлаётганда ўқитувчининг иккинчи овоз бўлиб кўшилиши, унисондаги миллий куйларни аввал халқ чолғу асбобида, сўнг фортепианода гармоник ўқувни яхши ривожланишига шароит яратади. Айниқса, жўрсиз куйлаш ўқувчиларда мустақиллик кўникмаларини ҳосил этади. Айтим (вокал) муסיқа асарларининг бой тарбиявий имкониятларидан мактаб муסיқа амалиётида кенг ва ўринли фойдаланишнинг назарий ва амалий томонларини ёритиш учун биз ишимизда мактаб муסיқа дарслари ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларнинг ўзига хос бошқа фанлардан фарқли хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтдик. Айтим (вокал) ижро услублари билан танишиб, унинг барча қирраларини билиш, бундай айтим асарлари воситасида ўқувчиларни тарбиялашнинг асоси эканлиги ҳақида иккинчи бўлимда фикр юритдик. Ишимизда айтим (вокал) муסיқа асарлари ва уларнинг мактаб муסיқа дарслари дастури ҳамда дарсликларигаги ўрнига ҳам

алоҳида тўхталиб ўтиш режалаштирилди. Айтим (вокал) асарлардан муסיкий эстетик тарбияда фойдаланиш асосан дарсда кўшиқ айтиш фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли айрим тавсия этилган вокал асарлари мисолида кўшиқ ўрганиш жараёнига тавсиф бердик. Хулоса қисмида эса вокал асарларининг тарбиядаги етакчи роли уларнинг кенг имкониятлари ва кўпгина турлари ўз аксини топди.

1.2. Мактаб муסיқа дарслари дастури ва дарсликларида айтим (вокал) асарларининг ўрни.

Мактабда муסיқа дарслари, тахминан ўтган асрлар яримларидан ёки биринчи ярмидан десак ҳам хато бўлмайди, бошлаб киритилган эди. Лекин ўша пайтларда муסיқа дарсларини ўтиш учун ўқитувчилар, яъни саводли муסיқа асбобларида чала оладиган ўқитувчилар жуда ҳам кам эди. Мана 50-йиллардан кейин шу муסיқа муаллим ва муллималарни тайёрлаш, муסיқа дарсларини яхши йўлга қўйиш борасида анча ишлар қилинди. Шунинг билан бир қаторда методик қўлланмалар, муסיқа кўшиқ тўпламлари, ундан сўнг муסיқа дарсликлари тайёрланди, кейинги йилларда шу ишлар яна такомиллашиб ҳозирги мустақиллик даврида янги дастур ва муסיқа дарсликларивужудга келди. Ҳозирги кунда дарсликда берилган муסיқа асарлари асосан икки йўналишда яъни вокал ва чолғу муסיқаси берилган. Энди шунини аниқлаш керакки, қайси бир йўналиш муҳимроқ ва асосий ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам болаларнинг муסיкий фаолиятида куйлаш, вокал муסיқа асарлари етакчи ҳисобланади. Чунки ўқувчиларимиз мактабда яъни муסיқа дарслари ва синфдан ташқари ишларда ҳам мана шу кўшиқларни кўпроқ айтадилар. Кўшиқ айтиш орқали муסיкий дунёқарашлари ҳам шакилланади.

Шунинг билан бир қаторда чолғу муסיқасини яъни соф чолғу муסיқасини чолғу куйларини ролини ҳам пасайтириш мумкин эмас. Масалан фақат куйлаш билангина чегараланиб бўлмайди. Айтайлик

Ўқувчилар мактабда ансамбл, якканавозлик, оркестр каби ижро турларини эшитадилар. Мактаб дарсликларида турли композиторларнинг чолғу мусиқасидан хатто симфония, концерт, увертюра ёки оддий ўзбек халқ чолғуси ҳам киритилган. Чолғу мусиқаси билан биргаликда, вокал мусиқаси ўқувчиларнинг мусиқий амалиётида жуда кенг қўлланилади. Ўқувчилар фаолиятларини алоҳида–алоҳида олиб қараганимизда, куйлаш фаолияти яъни вокал–хор машқларини куйлаш, кўшиқлар куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқий ритмик ҳаракатлар ва бошқа фаолиятлар жараёнида асосан вокал мусиқаси кўпроқ учрайди. Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва бой меросга эга. Унинг мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, бадиий маънавияти, истиқлол ва мустақиллик учун кураши ҳамда орзу умидлари инъикос этилган. Бу буюк маънавиятимиз ёш авлоднинг маданияти ва миллий тафаккурини шакиллантиришда беназир восита бўла олади. Вокал мусиқа асарлари яъни кўшиқларни ўргатиш жараёнини олиб қарайдиган бўлсак аввало мусиқа асарларини яъни ўргатиш жараёнида дастлаб ўқитувчи ўргатадиган кўшиқнинг номини, унинг муаллифларини эълон қилиб бу кўшиқ нима ҳақида эканлигини тушунтириб айтилади. Шундан сўнг ўқитувчи кўшиқни мусиқа асбоби жўрлигида бир марта ёки талаб этилса, икки марта баъзан бир банди билан нақаротини ижро этиб кўрсатади. Шундан сўнг манашу кўшиқнинг матни ҳақида қисқароқ фикр юритилиб, бу кўшиқда нималар акс эттирилганлиги гапириб ўтилади. Баъзан ўқитувчилар кўшиқни ижро этганларидан кейин бу кўшиқ ёқтими, ёқмадими шуни ҳам сўрайдилар. Кўпгина ўқувчилар яхши кўшиқларни маъқуллаб ўрганишларига иштиёқлари борлигини маълум қиладилар. Шундан сўнг ўқитувчи кўшиқнинг матни устида иш олиб боради, бу иш қуйдагича бўлиши мумкин. Агар мусиқа дарсликлари деярли ҳамма ўқувчиларда бўлса, яъни ўқувчилар таъминланган бўлса дарсликлар билан унда ўша кўшиқ ёзилган бетни

кўрсатиб ўқитувчи кўшиқнинг матнини бир неча марта ўқиб чиқишни тавсия этади.

Агар шундай шароит бўлмасаяъни дарсликлар ҳаммага етарли бўлмаса унда ўқитувчи плакатлардан фойдаланиб шу кўшиқ матни ёзилган плакатларни осиб қўйиш мумкин.Баъзан синф тахтасидан фойдаланиб кўшиқнинг матнини ёзиб ўқувчилар ўрганишга ҳаракат қилади.Биринчи синфда ўқувчилар ҳали ёзишни билмайдиган бир пайтда кўшиқ матнини секин айтиб ўқувчиларни бўғинлатиб ўзига эргаштиради.Улар бўғинлаб, ўқиб шеърни аста–секин бир бандини ўрганганларидан кейин шу кўшиқнинг оҳанги билан ўрганишга ўтилади. Кўшиқни оҳанги билан ўрганиш асосан ўқитувчининг ижроси билан бошланади. Ўқитувчи кўшиқнинг бир жумласини ижро қилиб кўрсатиб, ундан кейин шу бир жумлани ўқувчилар унга эргашиб айтишни таклиф қилади. Мусиқа асбоби жўрлигида ўқувчилар шу бир жумлани охиригача айтадилар, шу ердаги айрим камчиликлар ўқувчиларнинг товушларига, пардаларига ваҳоказо камчиликлар аниқланиб, ўқувчиларга тушунтирилади.Шундан сўнгшу жумлани яна қайтибўқитувчи айтиб ўқувчиларни ўзига эргаштиради. Шу йўсинда кўшиқнинг биринчи жумласи 3-4 марта айтилгандан кейин ҳар ҳолда ўзлаштирилгандан кейиниккинчи жумлага ўтилади. Иккинчи жумла ҳам ўқитувчи ижросида янграйди, ундан сўнг ўқувчилар жўр бўлиб ўқитувчи мусиқа асбоби жўрлигида шу жумлани қайтиб айтадилар. Бу жумла ҳам 3-4 марта айтилгандан сўнг 1-2 чи жумлалар қўшиб айтилади, ундан кейин бу иш давом этиб худди шу усулда 3-4чи жумлалар ҳам айтилади. Ва ниҳоят бир банд ўрганилгандан кейин ўқитувчи шу банднинг бошдан охиригача ўзи айтиб ўқувчиларни ҳам шу бир бандини айтишни талаб қилади. Агар кўшиқ нақоратли бўлса шу бирдарснинг ўзида албатта нақоратни куйини ҳам ўрганиши керак.

Нақоратнинг сўзлари билан куйини кўшиб ўқитувчи ижро қилиб кўрсатгандан кейин ўқувчилар унга эргашиб нақоратни қаторлаб айтадилар ундан сўнг ўқитувчи кўшиқни бошидан нақорат тугаган жойигача айтириб агар ўқувчиларнинг айтиш имкониятлариятлари тўла амалга ошган бўлса ёки маълум даражада кўшиқнинг матни ва оҳанги тўғри чиққан бўлса ўқитувчи ўқувчиларга шу кўшиқни ўрганилган ёдда сақлаб унутмасдан келишларини талаб қилади. Эндибундан кейинги дарсда шу кўшиқнинг бошқа бандлари ўрганилади. Кўпинча кўшиқларнинг мусиқий оҳанги бир нечта бандбўлишига қарамасдан ўша ҳамма бандларнинг бир хил оҳангда айтилишиназарда тутилган бўлади. Шунинг учун ўқувчи кейинги бандларга кўп тўхталмасдан шу ўрганилган куй яъни мелодия асосида қолган бандларни ҳам такрорлаб туриб кўшиқни охиригача куйлаб чиқадиладар. Бу иш учинчи дарсда агар кўшиқнинг ҳажми унча катта бўлмаса иккинчи дарснинг ўзидаёқ тугалланиши лозим. Агар учинчи дарсда ҳам кўшиқ давом этадиган бўлса, унда учинчи дарсда ўқитувчи кўшиқни бошидан охиригача бир марта айттириб, ундан кейин учрайдиган камчилақларни тузатиш маслаҳатлар берадыва ниҳоят охирги босқич бу кўшиқнингбадий ижроси устида ишлашга ўтилади. Бунда нима ишлар қилиниши мумкин. Аввало кўшиқнинг ижросида унинг бадий тўла шакллантириш, кўрсатиш учун динамик белгилар форте, пиано, кришендо, диминуэнто, пианиссимо, фортиссимо, ва шунга ўхшаган нбюансларни мусиқа асбобида кўрсатиб ўзи ижро этиб кўрсатиб, ундан сўнг худди шундай маълум бир товушларни кучли ёки қаттиқ бошқа айримларини юмшоқ яъни пиано қилиб ижро қилишни айтади. Шундай қилиб кўшиқнинг бадий ижроси шаклланади ва дарснинг яъни мусиқа, кўшиқ ўргатишнинг охирги этабида кўшиқ бир марта ўқувчилар томонидан тикка турган ҳолда ижро этилади ва ҳисобланади. Чунки ўқувчиларимиз мактабда яъни мусиқа дарслари ва синфдан ташқари ишларда ҳам мана

шу кўшиқларни кўпроқ айтадилар. Кўшиқ айтиш орқали муסיқий дунёқарашлари ҳам шаклланади. Шунинг билан бир қаторда чолғу муסיқасини яъни соф чолғу муסיқасини, чолғу куйларини ролини ҳам пасайтириш мумкин эмас. Масалан фақат куйлаш билангина чегараланиб бўлмайди. Айтайлик ўқувчилар мактабда ансамбл, якканавозлик, оркестр каби ижро турларини эшитадилар. Мактаб дарсликларида турли композиторларнинг чолғу муסיқасидан ҳатто симфония, концерт, увертюраёки оддий ўзбек халқ чолғу куйлари ҳам киритилган. Чунки муסיқаси билан биргалликда вокал муסיқаси ўқувчиларнинг муסיқий амалиётида жуда кенг қўлланилган. Ўқувчилар фаолиятларини алоҳида–алоҳида олиб қараганимизда, куйлаш фаолияти, яъни вокал–хор машқларини куйлаш, кўшиқлар куйлаш, муסיқа тинглаш, муסיқий ритмик ҳаракатлар ва бошқа фаолиятлар жараёнида асосан вокал муסיқаси кўпроқ учрайди. Ўзбек муסיқа маданияти қадимий ва бой меросга эга. Унинг мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, бадиий маънавияти, истиқлол ва мустақиллик учун кураши ҳамда орзу умидлари иникос этилган. Бу буюк маънавиятимиз ёш авлоднинг маданияти ва миллий тафаккурини шакиллантиришда беназир восита бўла олади.

Вокал муסיқа асарлари яъни кўшиқларни ўрганиш жараёнини олиб қарайдиган бўлсак аввало муסיқа асарларини ўргатиш жараёнида дастлаб ўқитувчи томонидан ўргатиладиган кўшиқнинг номини, унинг муаллифини эълон қилиб бу кўшиқ нима ҳақида эканлигини ўқувчиларга тушунтириб айтилади. Шундан сўнг ўқитувчи кўшиқни муסיқа асбоби жўрлигида бир марта ёки талаб этилса, икки марта баъзан бир банди билан нақоратини ижро этиб кўрсатади. Шундан сўнг мана шу кўшиқнинг матни ҳақида қисқароқ фикр юритилиб, бу кўшиқда нималар акс эттирилганлиги гапириб ўтилади. Баъзан ўқитувчилар кўшиқни ижро этганларидан кейин ўқувчилардан бу кўшиқ

ёқдими–ёқмадими шуни ҳам сўрайдилар. Кўпгина ўқувчилар яхши кўшиқларни мақуллаб ўрганишларига иштиёқлари борлигини маълум қилишади.

Шундан сўнг ўқитувчи кўшиқнинг матни устида иш олиб боради, бу иш қуйдагича бўлиши мумкин: Агар мусиқа дарсликлари деярли ҳамма ўқувчиларда бўлса, яъни ўқувчилар таъминланган бўлса дарсликлар билан унда ўша кўшиқ ёзилган бетни кўрсатиб ўқитувчи кўшиқнинг матнини бир неча марта ўқиб чиқишни тавсия этади. Агар шундайшароит бўлмаса, яъни ҳаммада етарли бўлмасаунда ўқитувчи плакатлардан фойдаланиб шу кўшиқ матни ёзилган плакатларни осиб қўйиши мумкин. Баъзан синф тахтасидан фойдаланиб кўшиқнинг матнини ёзиб ўқувчилар ўрганишига ҳаракат қилади.

Биринчи синфда ўқувчилар ҳали ёзишни билмайдиган бир пайтда кўшиқ матнини секин айтиб ўқувчиларни бўғинлатиб ўзига эргаштиради. Улар бўғинлаб ўқиб, шеърни аста–секин бир бандини ўрганганларидан кейин шукўшиқнинг оҳанги билан ўрганишга ўтилади. Кўшиқни оҳанги билан ўргатиш асосан ўқитувчининг ижроси билан бошланади. Ўқитувчи кўшиқнинг бир жумласини ижро қилиб кўрсатиб ундан кейин шу бир жумлани ўқувчилар унга эргашиб айтишнитаклиф қилади. Мусиқа асбоби жўрлигидаўқувчиларшу биржумлани охиригача айтадилар шу ердаги айрим камчиликлар ўқувчиларнинг шу кўшиқнинг товушларига, пардаларига ва ҳоказо камчиликлар аниқланиб ўқувчиларга тушунтирилади.Шундан сўнг шу жумлани яна қайтиб ўқитувчи айтиб ўқувчиларни ўзига эргаштиради. Шу йўсинда кўшиқнинг биринчи жумласини 3-4 марта айтилгандан сўнг яъни ҳар ҳолда ўзлаштирилгандан кейин иккинчи жумлага ўтилади.Иккинчи жумла ҳам ўқитувчи ижросида янграйди, ундан сўнг ўқувчилар жўр бўлиб ўқитувчи мусиқа асбоби жўрлигида шу жумлани қайтиб айтадилар. Бу жумла ҳам 3-4 марта айтилгандан сўнг, 1-2 чи жумлалар қўшиб

29

айтилади. Ундан кейин бу иш давом этиб худди шу усулда 3-4 чи жумлалар ҳам айтилади. Ва ниҳоят бир банд ўрганилгандан кейин ўқитувчи шу бандни бошдан охиригача ўзи айтиб ва унинг мазмунини таъсирчан бўлишига ҳаракат қилади. Кейинги йилларда оғзаки анъанадаги касбий мусиқа жанрларидан намуналар танлаб ўқувчиларни дарс ва синфдан ташқари тўғарак машғулотларида улар билан таништиришда анъанавий усулларни қўлламоқдалар. Ўтмишда асосан шу оғзаки ўрганилган маданий ҳаётда кенг ўрин тутган мумтоз мусиқий меросимиз борасида комусий олимларимиздан бири Абу–Наср ал–Фаробий мусиқанинг комил инсон шахсини шакиллантиришдаги таъсирини қуйдагича баён этади:

Бу фан (яъни мусиқа фани) шу маънода фойдалики, кимнинг феъл атвори мувозанатини йўқотган бўлса, тартибга келтиради, камол топмаганларни камолга етказди ва мувозанатга бўлганларнинг мувозанатини сақлайди..... Бу фан тананинг соғлиги учун фойдалидир. / “Ўқитувчилар газетаси”, 1971-йил, 4-ноябр/.

Шайх Саъдий айтганидек, “Мусиқа инсон руҳининг йўлдошидир”. У кишининг эмоционал эстетик ҳиссиётини фаол ривожлантиради, унинг ахлоқий эстетик қиёфасининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Шўролар даврида оғзаки анъанадаги касбий мусиқа жанрларидан бири ва етакчиси бўлган мақомларнинг асосий равишда аста–секин таъқиқлаб қўйганлар. Мақомлар сарой мусиқаси, бу мусиқа сарой ҳаёти ва у билан боғлиқ ғояларни ифода этади деган ақидалар, маълум тарихий даврда мақомларнинг халқ ҳаёти билан алоқасини сунъий равишда сусайтиришга ҳаракат қилдилар. Ваҳоланки, бирорта сарой аҳли ёки ҳукумдор мақом яратган эмас. Аксинча тарихий манбаълардан маълумки, аксарият ҳукумдорлар халқ орасидан етишиб чиққан етук мусиқачиларни саройга жалбэтганлар.

Ҳозирги кунда мақом ва бошқа оғзаки анъанадаги касбий мусика жанрларининг мазмуни айнан тарбияга, комил инсон истиқболига қаратилганлиги эътироф этилмоқда. Шунинг учун мустақилликка эришганимиздан кейин мусика маданиятида дарслар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор, кўпроқ ўзбек халқ кўшиқлари, мусиқий фольклор, яллалар, ёр–ёрлар ва бошқа маросим кўшиқлари касбий мусика жанрлари ва ўзбек бастакорларининг асарлари ўқув дастури ўқув кўлланмалари, дарсликларидан ўрин ола бошлади. Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин таълим тизими ислоҳотларидан бири таълим концепсияси ишланди. Таълим концепсияси ва таълим стандартлари талабларига миллий мусика намуналари умумбашарий мусика саъати билан биргаликда ўқувчиларда мусиқий–эстетик тарбияни шакллантириш воситаси бўлиши қайд этилган.

Шундай қилиб ўқувчиларда инсоний–маънавий маданиятни таркибий қисми бўлган мусика маданиятини тарбиялаш мусиқий–эстетик тарбиянинг бош мақсади қилиб қўйилади. Бу мақсадга эришиш учун мусика муаллимининг олдида қуйдаги вазифалар қўйилади:

1) Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос индивидуал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, уларни миллий мусика ва мусиқий мерос намуналари асосида мусиқий қобилият ва қизиқишларини ривожлантириш;

2) Оғзаки анъанадаги мусика намуналарини ўрганиш орқали бу санъат ҳақида билиш ва малакалар доирасини кенгайтириш;

3) Турли мусиқий фаолиятлар жараёнида мумтоз мусикамизга хос бўлган хусусиятлар, нолалар, қочиримлар ва ҳоказоларни ҳис этиш ҳамда ижрода уларни бажаришга интилишини шўакллантириш;

4) Турли кўшиқлар ва мумтоз мусика асарларининг бадий–ғоявий мазмуни воситасида ўқувчиларни ахлоқий–эстетик тарбиялаш;

5) Дарсда меҳнат, касб–ҳунар, хусусан мусиқа санъаткорлиги касбига нисбатан ўқувчиларда иштиёқ уйғотиш;

б) Замонавий талабларни амалга ошириш ўқувчидан анчагина маҳорат талаб этади. Ўқитувчи барча касбий хусусиятлари ва билимларига кўшимча қилиб мумтоз мусиқамиз ижрочилигини ҳам ўзлаштириши лозим. Мусиқа маданияти дарсининг мазмуни, таъсирчанлиги, тарбиявий моҳияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг махсус ва умумий педагогик тайёргарлигига боғлиқдир.

Мусиқа педагогикасига доир адабиётларда мусиқа муаллимининг турли хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Айрим ҳолларда энг яхши мусиқачи, ҳофиз ёки бастакорнинг мусиқа муаллими сифатида фаолиятига баҳо бериб, ундаги педагогик маълумотларнинг етарли бўлмагани оқибатида дарснинг самарадорлиги талаб даражасида бўлмагани салбий томон деб кўрсатилган. Аксинча барча муаллимларга хос педагогик билим ва кўникмаларга эга бўлиб, мусиқачилиги ўртамиёна бўлган муаллимнинг мусиқа муаллими сифатидаги фаолияти афзалроқ саналади. Мусиқий ҳаёт жараёнида ҳарқандай мусиқа аҳли бир хил мусиқачи номи билан аталсада, уларнинг соҳалари чолғу асбоблари бошқа–бошқа бўлади. Масалан: тамбурчи, ғижжакчи, дуторчи, найчи чала олмаслиги мумкин. Аммо мусиқа муаллими деярли ҳамма амалиёт турларидан камроқ бўлсадабўлиши мумкин. У ашулачи бир ёки бир неча мусиқа асбобларида ижрочи, дирижёр, мусиқа назарияси, мусиқа тарихчиси жўрнавоз ва бошқа ҳар биттаси алоҳида касб ҳисобланадиган фаолиятларни бажаришга тўғри келади. Шунингучун мусиқа муаллими ўз касбига ва болаларга ситқидилдан меҳр кўйган, юксак маданиятли ижодкорва изланувчи, миллий истиқлол мафкурасига содиқ шахс бўлмоғи лозим. У педагогика, психология, педагогика психологияси, болалар физиологияси, эстетика ва мантиқ назарияси, шеърят ва умуман адабиёт каби фанлардан хабардор бўлмоғи даркор.

Муסיқа муаллимининг ижодкорлиги шундаки у бир соатлик ценарий муаллифи, унинг артист–ижрочиси ва режиссёри сифатида иш тутади. Шу боис муסיқа дарси санъат дарсидир. Ўқитувчи дарсдан ташқари мактаб миқёсида кенг кўламдаги фаолият билан шуғулланади. Синфдан ташқари муסיқа таълим ва тарбияси турларини ташкил этиш ва бошқариш, мактабда муסיқа тарбиясининг оммавий шакллари, байрам концертлари, маъруза ёки суҳбат концертлар, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар, ашула ва санъат байрамларини уюштиришни ҳам муסיқа муаллими амалга ошириши керак. Аммоёкин кунларгача муסיқа маданиятининг пойдевори бўлган муסיқа нутқи, муסיқий оҳанг, интонация, муסיқа шакллари, муסיқанинг тузулиши ва ривожланиши, муסיқий образ, муסיқа драматургияси, муסיқанинг замонавийлиги, муסיқий фольклор ва оғзаки анъанадаги касбий муסיқа жанрлари каби таянч тушунчаларига етарли эътибор берилмади.

Олий мажлисининг IX-сессиясида қабул қилинган кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур, турли босқичдаги муסיқа таълимининг мазмунини тўлдиришни таъминлайди. Кейинги йилларда муסיқа маданияти дарслари мазмунини миллий муסיқа ва муסיқа мерос намуналари билан бойитиш асосида муסיқа тинглаш, муסיқа саводхонлиги, жамоа бўлиб куйлаш, муסיқа ижодкорлиги каби муסיқий фаолият турлари учун янги муסיқий материаллар танлаш ишларига алоҳида эътибор берилди бошлади. Бу борада Ҳ. Нурматов ва О. Иброҳимовларнинг “Умумий таълим мактабларининг 6–синф муסיқа дарси учун методик тавсиянома” сида /1994 йил, Тошкент/материал танлашнинг асосий принципи олдинги дастур ва тавсияномалардагидек ва ўқув йили мавзусига асосланган.

“Ўзбек муסיқаси” иборасининг кенг мазмунли ва серкўлам тушунча бўлиб, ўз ичига муסיқий мероснинг икки қатлами – халқ муסיқаси ва касбий устозона муסיқа ҳамда замонавий ижод (бастакорлик,

композиторлик) намуналарини қамраб олиш ва уларни асосий маҳаллий услублардан ташкил топиши кўрсатилган. Бу услублар: Сурхондарё – Қашқадарё , Тошкент – Фарғона, Самарқанд – Бухоро ва Хоразмнинг ўзига хос маҳаллий ижро услуби хусусиятларидир. Бу маҳаллий услубларда етакчи ижро йўллари – дoston, мақом, катта ашула ривожланган мураккаб мумтоз куй ва ашула оғзаки анъанадаги касбий мусиқа жанрларининг асосини ташкил этади.

Оғзаки анъанадаги касбий мусиқа жанрлари катта тарихга эга бўлган оғиздан – оғизга,устоздан – шогирдга ўтиб келган миллий маънавий бойлигимиз экан, унинг жанрларини ўрганиш, унинг ғоявий мазмуни, тузилиш қонунияти, ижро услублари, ўзига хос таянч атамалари жанрларининг бир – биридан ҳамда бошқа куй ва кўшиқлар (фолклор) намуналаридан фарқини англаш зарурдир. Буишлар кимга керак? Албатта бир гуруҳ мусиқачи ёки мусиқашуносларбундай маълумотларгаэга бўлишлари лозим. Аммо фақат мусиқа касбини танлаганлар бу масалалар билан шуғулланиб ўзлари учун ўрганиб олишлари нима фойда? Барча санъат ва санъаткорлар халқ учун хизмат қилиши лозим. Шундайэкан таримиз, ўтмиш ҳаётимиз тарзи, анъаналаримиз, маросимларимиз қисқаси халқимизнинг шодлиги ва қайғуси ўзаксини топган мусиқий меросимизни ўрганмасдан ўтмиш ҳақидатўла билим ва маълумотга эга бўлмаймиз. Биз ўтмишни билмасданҳозирни айниқса келажакни тасаввур қилишга анча қийналамиз. Ҳар бир халқнинг келажаги бўлган ёш авлодбаркамол инсон бўлиб етишиши учун аввало таълим олмоғи лозим. Таълим эса турли иштимоий онгнинг шаклларида бири ҳисобланган мусиқа бўйича ҳам амалга оширилиши лозим.Қадимда умумий таълим тизимида мусиқа назарда тутилмагани аён. Ўтмишда мусиқа билан шуғулланиш бир мунча чегараланган бўлган. Кўпроқ мусиқа ашула ва рақс билан шуғулланган кишилар худони унутишиҳар – хил ахлоқ, одоб доирасидан

чиқадиганмуסיқа кишиларни ёмон йўлга бошлаши, тоат ва ибодатдан узоқлаштириши мумкин деб ҳисоблаганлар. Аммо муסיқа ҳамма вақт инсон билан бирга унинг йўлдоши бўлиб келганлиги, шодликка шодлик, қайғуга – қайғу қўшиб уни чуқурлаштириши, шу боис турли тўй – томошолар, сайллар ва байрамларда ижро этиб келингани, муסיқанинг ҳаётийлиги, инсон қалбининг калити эканлигидан далолатдир. Ҳозирги яратилаётган бадиий юксак муסיқа асарлари билан бир қаторда ҳам учратиш мумкин. Бундай қўшиқларда тарбиявий чуқур мазмун, ҳетий мантиққа асосланган ёқимли оҳангларни учратиш қийин. Айрим қўшиқларнинг матни жуда саёзлигидан кишининг ғашига тегади. Матбуотда матнни деярли фақат сарловҳанинг такрорлашдан иборат қўшиқлар танқиди тез – тез кўришиб турсада, уларни камайтириб бўлмайди. Узоқ муддат (собик эски тизим даврида) оғзаки анъанадаги касбий муסיқа жанрларнинг етакчиси “Мақомлар” сарой муסיқаси, унда сарой аҳлининг ғоялари акс эттирилган. Мақомларнинг оддий халқ муסיқаси билан алоқаси йўқ деган боҳоналар билан таъқиқланиб келинганлигидан ҳозирги кунда келиб, ёшларимиз бу мумтоз (намунавий) муסיқани қабул қилишда қийналмоқдалар. Радио, телевидления, граммёзувлар, магнитофон ёзувлари ва бошқа воситалар орқали тарғиб қилинаётгани мақом ва бошқа мумтоз муסיқамиз намуналари ёшлар орасида ҳам ўз мухлисларига эга. Аммо уларни махсус дарс материали сифатида мактабда ўқитилиши бу масалани ечилишини янада яқинлаштиради. Шунинг учун бу муаммо 80 – йиллардаёқ барча муסיқа аҳли ва педагогларнинг диққатини ўзига торта бошлади. Мустақилликка эришганимиздан кейин мақомлар ва оғзаки анъанадаги касбий муסיқа жанрларининг барчасидан намуналар танлаб, улар умумтаълим мактаби муסיқа дарслари ҳамда синфдан ташқари ишлар жараёнида тадбиқ этиш назарда тутилди. 1999 – йили “Шарқ” нашриёт – матбаъа концернида нашр этилган муסיқа маданияти дарси

дастурида асосан (5-7) синфларда оғзаки анъанадаги касбий мусика жанрларининг юксак бадий қимматига эга бўлган ўқувчиларнинг тинглаб идрок қилишлари ва куйлаш орқали ўзлаштиришларига қулай бўлган намуналари тўла, баъзан қисқартирилган кўринишда тавсия этилган. Умуман ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти доирасида мактаб мусика фаолиятлари жараёнига киритилган бу мусика намуналарини ўрганиш ва ўзлаштириш ўз – ўзидан маълумки, жуда қийинчиликлар билан кечади. Энг аввал муаллимларни бу ишга тайёрлаш ўқув қўлланмалари, дарсликлар тузиш, нота тўпламлари яратиш, граммпластинка ва магнит ёзувлари, видеоматериалларини тайёрлаб мактабларга тарқатиш бу жараённи самарадорлигини ошириди.

2.БОБ.Мактаб амалиётидаги айтим (вокал) асарлари мисолида қўшиқ ўргатиш жараёнига тавсиф бериш.

2.1.Айтим (вокал) асарлари мисолида қўшиқ ўргатиш жараёнига тавсиф бериш.

Айтим (вокал) мусика асарларининг бадий тарбиявий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш бу – овоз аппарати ва унинг ишлаш принципларини пухта билиш ва унга амал қилишга боғлиқ. Товуш ҳосил бўлиши овоз аппаратининг ҳаракати натижасида содир бўлади. Бу аппарат 3 қисмдан иборат.

- 1) Нафас органлари (ўпка, бронх, трахея – томоқнинг нафас йўли).
- 2) Ҳақилдоқ (овоз пардалари жойлашган қисм).
- 3) Резонаторлар (ютқин, оғиз ва бурун).

Овоз аппаратининг ҳар бир қисми бир – бирига чамбарчас боғланган. Товуш қуйдагича ҳосил қилинади: ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими бронх, трахея орқали томоққа келади ва у ерда овоз пардалари тўсиғига учрайди. Ҳаво босими таъсирида овоз пардалари ҳаракатга киради,

уларнинг такрорий очилиб ёпилиши ва тебраниши натижасида ҳаво тўлқинлари товуш ҳосил қилади. Товуш ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда одатдаги нафас олиш жараёнида овоз пардалари сокин ҳолатда бўлиб, ҳаво учбурчак шаклидаги овоз тешигидан эркин ўтади. Товуш ҳосил бўлишида овоз тешиги тораяди. Товуш баланд пардаларга кўтарилган сари овоз тешиги торайиб боради ва энг юқори парда товушларига етганда тешик беркилади.

Овоз пардалари:

а) нафасолганда;

б) товуш ҳосил қилишда;

Овоз пардаларининг узунлиги ва қалинлиги турлича: бас ва баритонларнинг овоз (пардаларининг) узунлиги тахминан 22-25 мм, тенор ва меццо –сопраноларники 18-22 мм, сораноникни 14-19 мм. Қалинлиги ҳар хил бўлиб, сопранода 2 мм данбасларда 5 мм гача боради. Товуш тебранишининг тезлиги, яъни товуш баландлиги овоз пардаларининг тортилиши (таранглиниш) даражаси билан боғлиқ: тебраниш қанча тез бўлса, товуш шунча юқори пардага кўтарилади. Бироқ пардалар ҳосил қиладиган кучли эмас, у асосан юқори резонаторлардан бўғизнинг кучайиши ҳисобига кучаяди. Оғиз ва бурун ҳам шунча ёрдам беради, шунингдек улар товуш ранги (жилвадорлиги) тембрини юзага келтиришда ҳам катта роль ўйнайди.

Резонаторлар юқориги ва пастги қисмлардан иборат бўлиб, улар овоз пардаларининг юқориси ва остида жойлашади. Юқориги овоз –резонаторлиги ютқин, оғиз ва бурун бўшлиқлари, пастки (кўкрак қисми) овоз резонаторларига трахея ва бронх бўшлиги киради. Овоз тембрининг сифати товуш ўтувчи овоз пардалари тебраниш билан резонанс бўшлиқларига боғлиқ. Томоқ ва овоз пардаларининг ҳаракати мкшаклар

ва тоғайлар системасининг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Мушакларнинг айримлари қисқариб, пардаларни таранглаштиради, айримлари уларни бирлаштиради ва бир – биридан узоқлаштиради. Агар овоз пардалари ўзининг бутун массаси билан тебранса, кўкрак регистридаги товуш, овоз пардалари фақат чеккаси билан тебранса юқори регистрдаги товуш юзага келади.

Хонанданинг овози товуши кучли, тембри ва баландлиги эмас, балким диапазони билан ҳам характерлидир. Овоз диапазони энг паст товушдан энг баланд товуш оралиғидаги диапазонини регистрларга бўлиш мумкин. Регистр овоз диапазонининг бир қисми бўлиб, тембр ва товуш йўналишининг бир – бири билан мойиллигига асосланиб аниқланади. Одам овозини паст (кўкракдан чиқувчи товушлар), ўрта (аралаш), ва юқори (бош билан боғлиқ товушлар) регистрларга бўлиш қабул қилинган.

Аёллар овози паст кўкракдан чиқувчи товушлар, ўрта (аралаш) ва юқори (бош билан боғлиқ товушлар) регистрларга бўлинади. Кўкрак регистридаги товушларни ҳосил қилиш учун кўкрак резонаторлари ишлатилади, юқори регистрда бош резонатори ишлатилади, аралаш регистр кўкрак ва юқори регистрларнинг бирлашган ҳолдаги ҳаракати орқали ҳосил қилинади. Эркаклар овози кўкрак ва бош (фалцет) регистрига эга. Овоз сифатининг ҳамма вақт бир хил сақланиши овоз гигиениясига боғлиқдир. Хонанда овози табиатнинг қимматбаҳо инъоми бўлиб, ундан ижрочи эҳтиёткорлик ва ақл билан (паства юқори) тесситурани ҳаддан ташқари ишлатиш овоз аппаратининг касаллигида куйлаш буларнинг ҳаммаси овоз пардаларининг чарчашига ва касалга чалинишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, ашулачилар ўз овозларини асрашлари уни ҳар хил каслликлардан асрашлари зарур. Машғулотни дам олиш билан оқилона алмаштириб туриш хонандалик режимини асосий қоидадир. Шунингдек совуқ ҳавода

куйлаш, совуқ ичимлик ичиш эса, овоз аппаратиға салбий таъсир қилишини эсдан чиқармаслик керак. Вақти – вақтилда кўригиданўтибтуриш овоз аппарати касалликларини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Болалар хор коллективларининг роҳбарлари болаларнинг мутация вақтидаги вокал партияси хусусиятларини билишлари лозим. Мутация болалар вояга етаётган даврдаги овоз ўзгариши (овознинг раста бўлиши) дир. Мутация даври одатда болаларнинг 12-13 ёшида бошланиб, 16-17 ёшгача гоҳо ундан кўп ёшгача давом этиши мумкин. Бундай даврда болалар овози ортиқча куйлашга кучи етмайди ва диққат ҳамда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Ўғил болаларда халқум тез ўсади, овоз пардалари узунлашади, овоз пасайиб кичик октава товушларига ўта бошлайди. Баъзи вақтда мутация даври оғир ва ҳар хил ҳолатда ўтиши сабабли машғулотларни вақтинча тўхтатиш зарур бўлиб қолади. Қиз болаларда мутация осойишта, асоратсиз ўтади. Лекин шунга қарамай, қизларнинг овозини ҳам эҳтиёт қилиш зарур. Хонандалик режимига риоя қилинса, мутация даври бир қанча енгил ўтишига ёрдам беради. Вокал ижро кўпинча тик туриб куйлашни талаб этади. Бинобарин хонанданинг туриш ҳолатига эътибор зарур. Хонанданинг идеал туриш ҳолати тик турган ҳолда ижро этиши ҳисобланади. Лекин узоқ давом этувчи репетицияларда хор ўтирган ҳолда машғулот ўтказиши мумкин. Бундай ҳолларда хорнинг ҳар бир хонандаси гавдасини тўғри ва эркин тутиши, елкалари тик, қўллари пастга туширилган бўлиши керак. Юз, бўйин, елка мушаклари эркин ҳолда бўлади. Ижрочилик вақтида бошни орқага ташламасдан тўғри тутиш, юзни буриштирмаслик, пастги жағни сиқмаслик зарур. Хонанданинг тўғри туриш ҳолати тўғри нафас олиш ва товуш ҳосил қилишига имкон беради. Хонанда куйлаш вақтида, товуш ҳосил қилишида нафасни тўғри йўлга қўйиши муҳим рол ўйнайди.

“Куйлаш санъати нафасни тўғри ишга солиш санъатидир”, - деган ибора классик ибора бўлиб қолди. Куйлашдаги нафас билан физиологик нафас орасида маълум даражада фарқ бор. Физиологик нафасда нафас олиш аниқ бир ритмда ва маълум бир вақт оралиғида содир бўлади. Куйлаш вақтида ҳаво олиш тез, қисқа вақти оралиғида содир бўлиб, нафас чиқариш эса бир қанча вақтга чўзилади. Нафас ритми ижро этилаётган асар характериға қараб ўзгариб туради. Куйлашда физиологик нафасга қараганда чуқур нафас олинади.

Куйлашдаги нафас олишнинг бир неча турлари бор:

- 1) Пастки қовурғалар кенгаювчинафас олиш;
- 2) Елка кенгаювчи нафас олиш;
- 3) Қорин билан нафас олиш (диафрагма пастга тушади).
- 4) Кўкрак билан нафас олиш (кўкрак қафасининг юқори қисми кўтарилади).

Куйлаш вақтида нафас олишнинг пастки қовурғалар кенгаювчи нафас олиш ва қорин билан нафас олиш турларини ишлатиш маъқулдир. Диафрагма одам организмида кўкрак ва қорин бўшлиғини ажратиб туради. Пастки қовурғалар ва диафрагмалар воситасида нафас олишда нафас олиш ва чиқариш диафрагма орқали тартибга солинади. Бу шундай содир бўлади: хонанда худди гул “ҳидлагандек” нафас олади. Бунда ўпкалар кенгайиб, пастки қовурғаларни ташқи томон суради ва диафрагма пасаяди, натижада қориннинг девори олдинга шишиб чиқади. Елка ва кўкракнинг юқори қисми бу ҳолда ўзгармайди. Нафас олиш чуқур, тўлиқ ва энг асосийси, шовқинсиз бўлиши керак. Нафас чиқариш тежамли, узоқ муддатли, текис бўлиши шарт. Нафас чиқариш қорин таранг қобиғининг ҳаракати билан бошқарилиб, ҳаво юқорига йўналади ва овоз пардаларини тебранишиға ундайди. Пастки қовурғалар

ва диафрагма аста – секин ўз ҳолатига қайтади. Юқорида айтилганидек, товуш нафас ва овоз аппаратларининг ҳаракати натижасида ҳосил бўлади. Товуш ҳавонинг ёпиқ ҳолатидаги овоз тешиги орқали ўтганда овоз пардалари тебраниши вақтида юзага келади. Товушнинг пайдо бўлиш вақти “товуш ҳужуми” дейилади. Овоз пардаларининг жинслигига нафас чиқаришнинг кучи ва характериға товуш ҳужуми қаттиқ, майин ва нафас олишнинг кейинги ҳужум бўлиши мумкин. Товушнинг юмшоқ ҳужумида овоз пардалари нафас чиқариш бошланиши билан очилади. Чиқаётган ҳавонинг овоз пардаларига енгил тегиб ўтиши натижасида жуда юмшоқ “эгиловчан товуш” ҳосил бўлади.

Товушнинг қаттиқ ҳужуми нафас чиқариш олдида овоз пардаларининг зич ёпилиши натижасида ҳосил бўлади. Бу ҳолда чиқаётган ҳаво катта босим билан овоз пардаларига келаб урилади ва ҳосил бўлган товуш қаттиқ ва кескин характерға эға бўлади. Нафас олишдан кейинги ҳужумда эса овоз пардалари нафас чиқа бошлагандан кейин бирикади ва натижада товушдан олдин нафас чиқаришда унсиз “х” эшитилади. Қўшимча товушлар ҳисобига товушлар ўзининг софлигини йўқотади, овоз пардалари эса бўшашиб қолади. Хонандалар амалда товуш ҳужумининг ҳамма типларини билиши керак. Лекин энг маъқули “юмшоқ товуш ҳужуми” ҳисобланади. Бу типдаги товуш ҳужуми хонандани эркин, ўзини зўрламасдан куйлашға ва овоз аппаратини узоқ муддатгача соғлом тутишига имкон беради.

Ўрни келган вақтда ҳар бир типдаги товуш ҳужумини ишлатиш мумкин. Мисол учун куй орқали нафрат, кўрқув, жаҳл, истироб каби туйғуларни ифодалашда қаттиқ ҳужумли товушдан; кучсизлик, дармонсизлик, кўрқоқлик ва бошқа шунга ўхшаш туйғуларни ифодалашда эса нафас олишдан кейинги ҳужумли товушдан фойдаланилади. Хонанда овози келишидан бошлаб (ҳужум типидан қатъий назар) ўзининг аниқ баландлигига, кучига, тембрига, аниқ унли

формасига (шаклига) эга бўлиши керак. Бу шартлар товуш ҳосил қилишнинг асосий қонидаси бўлиб, хор ижрочилигида алоҳида аҳамиятга эга. Бир хил товуш ҳосил қилиш усулига эга бўлган хонандалар овози тембр рангларининг бутун диапазондаги товушлар садоларининг равонлиги, ансамбл бўлиб қўшилувчанлиги билан фарқ қилади. Мисол учун академик ижрочиликдаги аниқ ифодаланган тўлиқ ва беркилган товушлардан иборат. Беркик товуш хиралашган тембрга эга бўлиб тўлиқ, енгил, бўйсинувчи, мусаффо садодан иборат. Товушни маълум чегарадаги усулихонандалар учун регистрларни бир – бирига боғлаш, текислаш учун қўл келади. Товуш доимо равон бўлиши учун кўкрак ва бош регистрларни бирлаштириш керак. Бунда хонанда овози бутун диапазон бўйича текис садоланади. Халқ хонандалари одатда “очик” (кўкракдан) товуш ҳосил қилиш усулини қўллайдилар. Бунда товуш аниқ чегарага эга бўлмасада, хор ижрочилиги учун хил услуб танланиши керак. Агар академик ижродаги хорнинг бир қисми “очик” товуш билан куйласа ансамбл бузилиши мумкин. Якка ва жамоа (хор)да кўшиқ айтиш учун дикциянинг ҳам роли каттадир. Хор ижрочилигида хонандалардан дикция (лотинча *dictio* нутқ талаффузи), яъни адабий текстни ва равшан талаффуз қилиш талаб қилинади. Товуш ўрнининг тўғрилиги ва нафас активлиги дикцияга боғлиқ. Тантанавор, қахрамонлик, драматик характердаги асарларундош товушларни таъкидлаб, аниқ талаффуз этишни талаб қилса, лирик характердагилар эса майин талаффузга мос келади. Ёмон дикция хор куйи ифодавийлиги ва мазмунини сусайтиради.

Хор дикцияси нутқ органларининг ишлаш қобилиятига, яъни тил, лаблар, юмшоқ танглай, пастки жағдан иборат артикуляция аппаратининг ишлаш қобилиятига боғлиқ. Актив ҳаракатчан артикуляция вокал техникасининг асосий элементлари ҳисобланади. Артикуляция аппарати соғлом, тўғри жойлашган ва ўз вазифасини тўғри бажара

оладиган бўлиши керак. Артикуляция аппаратининг камчиликлари махсус машқлар орқали бартараф қилиниши мумкин. Бундай камчиликларга айрим ҳарфларни алмаштириб нотўғри талаффуз қилиш киради. Бу камчиликлар артикуляция аппаратининг (айниқса болаларда) суст ҳаракат қилиши натижасида содир бўлади.

Вокал нутқи ифодали ва жонли бўлиши керак. Агар унли товушлар хонанда овози садоси чўзиқлиги, кучли ва рангбаранглигини таъминласа, ундош товушлар эса, асарнинг бадий текст мазмунини тушунарли ва эмоционал қилиб ифодалашга имкон беради. Л,М,Р – каби ундош товушлари санокли ундош товушлар дебҳам аталади. Бу товушлар деярлиунлидек куйланиши мумкин, ва бу усул бош резонаторда товушнинг тўғри шакилланишига эришиш учун қўлланади (ма-мэ-ми-мому). Куйлашдаги талаффуз нутқдаги талаффуздан фарқ қилади, куйлаш дикциясининг хусусиятларини белгилаб берувчи қатор қоидаси бор. Масалан, бўғинларга бўлишда ундош ҳарфларнинг бир бўғин охиридан бошқа бўғин бошигақўчириш қоидасига риоя қилиб ўқиганда бундай бўлади: “солн-це, солнце, встаёт, надго-рою кру-той”, куйлаганда эса “солнце, со-лнце, встаёт, на-дго-ро-ю кру-то-й”, “шу улуғ, о-зод Ва-та-н дилу-жо-ни-миз” (куйлаганда). Бундай бўғинларга ажратиш унлиларни кўпроқ муддатга чўзишга, яъни оҳанг ташкил этишга ёрдам беради.

Сўз охирини талаффуз қилганда жарангли ундош товушлар жарангсиз товушлардек эшитилади (сад–сат, остров–остроф, китоб–китоп, авлод–авлот). Аниқ талаффуз бадий текстни тингловчига аниқ етказишнинг асосий шартидир. Лекин сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз қилишдаорфоэпия ҳам муҳим рол ўйнайди.Куйлаш вақтида нутқ орфоэпияси талабларига сўзларни адабий талаффуз қилишқоидасига мос келади.Демак, асарни хор билан тайёрлаш жараёнида мусиқа биланбир вақтда адабий текст устида ҳам иш юритиш керак. Асар мазмунини чуқур англаш, асосий ғоясини юзага чиқариш ва уларни аниқ ва

равшан дикция орқали тингловчиларга ифодали қилиб етказиш билан боғлиқ бўлиб, асарни хор бўлиб бадий ижро этишнинг зарурий шартлариданбиридир.

Маълумки, куйлашда нафас билан физиологик нафас орасида маълум даражаси фарқ бор. Физиологик нафас бола туғилгандан бошлаб табиий ҳолда амал қила бошлайди. Аниқ бир ритмда ва маълум бир вақт оралиғида содир бўлади. Ашула айтишда эса ҳаво олиш тез, қисқа вақт оралиғида содир бўлади ва нафасчиқариш эса қўшиқ жумласининг чўзимига, суръатига ва характерининг ифодаланишига қараб чўзилади. Нафас ритми куйланаётган қўшиқ характерига қараб ўзгариб туради ва табиий нафасга нисбатан бироз чуқур олинади. Ашулачилик нафасининг куйдаги турлари мавжуд:

а) кўкрак қафаси;

б) диафрагма (қовурғалар кенгайдиган) нафаси;

в) қорин нафаси.

Кичик болаларнинг кўкрак нафаси ҳали тор ва қисқа эканлиги сабабли улар нафасини кўкрак билан оладилар ва шу боис ашула айтганда елкаларни кўтариб, шошиилиб ва қўшиқ жумласини ва сўзни бўлиб нафас олишлари табиийдир. Шунинг учун болаларни елкаларини кўтармасдан осойишта вазмин нафас олиш ва уни қўшиқ жумласининг охиригача қадар бир маромда етказиш, айниқса сўзни бўлиб нафас олмасликка ўргатиб бориш лозим. Нафас масаласи устида иш олиб бориш жараёнида болалар диққати овозларининг куйчан, текис, ёқимли ва чиройли жаранглашига жалбэтилади ва бу учун нафасни оҳиста гул хидлагандай осойиштава шовқинсиз олишга ўргатилади. Аммо мазкур малака уларга нафас олиш фаолияти ҳақида батафсил тушунча бериб ўтирмасдан балким “Биринчи синфда мусиқа дарслари” қўлланмасида

тавсия этилган машқлар ва қўшиқларни куйлаш, болалар хорлари ижро этган қўшиқларни (граммпластинка ёки магнит ленталари орқали) тинглаш каби амалий машғулотларда шакллантириб борилади.

Болалар машқ ва қўшиқларни куйлаганларида ўқитувчининг қўл ишорасига қараб нафас олишга ва уни расамати билан жумла охиригача етказишга одатлантириб бирилади. Айниқса дирежёрлик ҳолатлари (“диққат”, “Ауф”, “Ижрони бошлаш”, “Ижрони тугатиш”) га риоя этиб куйлашга ўргатиб режага солиш учун муҳимдир. Болалар нафаси ҳажмининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда машқва қўшиқларданафас олиш жойлари олдиндан белгиланиб қўйилади, уларни ўрганиш ва ижро этиш жараёнида уларга амал қилинади. Овознинг вужудга келиши мураккаб психологик – физиологик жараён дир. У овоз аппаратлари (кекирдак, хиқилдоқ ва унинг ичидаги конуссимон ички овоз пардаси) нинг нафас (ўпка, трахеялар, кўкрак қисми) ва эшитув аппаратларининг биргаликдаги амалиётида ҳосил бўлади. Томоқда ҳосилбўлган товуш кучсиз ва хишиллаб садоланиб, унинг нутқ аппарати айниқса бурун бўшлиғи орқали тебраниши кучаядива ўзига хос тембр ва жарангдорлик хусусиятига эга бўлади. Тўрт орган нафас, овоз, нутқ ва эшитув аппаратларининг ўзаро алоқадаги фаолиятида муסיқий оҳангда куйланадиган овоз ашулачилик овози, шунингдек мазкур тўрт аппаратнинг ҳамжиҳатлиги ашулачилик аппарати деб аталади. Ўпкага нафас билан олинган ҳаво оқими овоз аппаратидан ўтганда икки нозик овоз пардасини силаб ўтади. Натижада юқорида айтганимиздек, уларнинг тебранишидан хишиллаб товуш ҳосил бўлади. Товуш пайдо бўлишининг бошланиши “товуш ҳужуми” дейилади. Нафас чиқариш ва пардаларнинг тебраниш кучига қараб товуш ҳажми қаттиқ ёки майин бўлади. Ана шу ҳужум кучи билан нутқ ёки ашулақўрқув, жаҳл, изтироб, ҳайратланиш, завқ – шавқ, ўйчанлик оҳанглари ифодаланган. Куйлашдаги талаффуз нутқ талаффузидан фарқ қилади. Бунда

артикуляция органлари (лаб, тил, жағ, ва бошқалар) актив ҳаракатдаги ҳамжиҳатлиги, бунинг воситасида назмий сўзнинг мусиқий оҳангида фонетик – вокал жиҳатдан аниқ, оҳангдор, мазмунан ифодали талаффуз этилишига эришиш зарур. Вокал талаффузи масалалари илгари нашрэттирилган “Биринчи синфда мусика дарслари” ўқув – методик кўлланмасида кенг баён этилган. Қуйида ундан айрим ўзгаришлар билан парча келтирамиз. Балалар нутқида заифлик, ноаниқлик, овоз апаратини сиқиб гапириш натижасида хорда бақириб куйлаш каби нуқсонлар учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан индивидуал иш олиб бориш, шошмасдан эркин гапириш ва куйлашга ундаш лозим. Энг муҳими, болаларни машқ ва кўшиқлар текстини вокал услубларига мувофиқ талаффуз этишга ўргатиб бориш лозим. Масалан кўшиқ текстида мана бу мисра қуйдагича ёзилади ванутқада шундай ўқилади:

“Лай-лак қо-ру лай-лак қор” ашулада эса қуйдагича куйланади:

“Ла-йла-к қо-ру ла-йла-к қор”.

Ашулачиликда унли товушларни тўғри шакллантира олиш муҳимдир. Бу иш вокал – хор материаллари машқлари, машқкўшиқ (кичик кўшиқча) ва кўшиқларни ўрганиб куйлаш жараёнида амалга оширилади. Шунини назарда тутиш лозимки, она тили нутқимизда унли товушдан кўра ундош товушлар кўпроқ ишлатилади. Шунинг учун ўқитувчининг вазифаси кўпроқ унли товушларни куйчан, чўзиб куйлаш ҳисобига ундош товушларни қисқа ва аниқ талаффуз этишга эришишдан иборатдир. Бунда товушларнинг нутқ талаффузини ашулачилик талаффузига яқинлаштириб куйлашга интилиш лозим. Бу миллий талаффуз колоритини сақлаган ҳолда куйлашда товушларни яқин, юмшоқ ва лўнда қилиб талаффуз этишга ёрдам беради.

Масалан: “А” товуши нутқда очик, кенг, куйлашда эса лабларга якин, ёпиқли, бироз “О” га якинлаштириб талаффуз этилади. “О” товуши очик ва томоққа якин бўлиб, куйлашда лабларга якинлаштириб ёпиқли ва юмшоқ талаффуз этилади. “Е” товуши эса очик ва ёпиқ бўлиб, куйлашда ёпиқ, лўнда қилиб “А” га якинлаштириб куйланади. Асосан нутқ талаффузига ҳам “Е”, “Э” тарзида эшитилади. Масалан “терма” ва ҳоказо. “И” товуши тил олди, йитик, баъзан сиқик ҳолда талаффуз этилади. Уни енгил нафасда “У” га якинлаштириб енгил ва эркин куйлаш лозим.

Айниқса “А”, “Е” ва “И” товушларининг эркин, юмшоқ, лўнда ва лабга якин куйланиши вокал талаффузи малакаларини ижобий шаклланиши учун муҳимдир. Уларни вокал машқларида “до”, “дэ”, “ди”, “мо”, “мэ”, “ми” каби бўғинларда куйлаш фойдалидир. “У” ва “Ю” товушлари юмшоқ ва ёпиқли куйлаш учун қулайдир. Шунинг учун бир товушда “гул”, “ду”, “лю” каби сўз бўғинларда машқ куйлаш, овозларни юмшатиб, умумий созга тушуриш муҳим рол ўйнайди. “Ў” товуши эса “У” товушидан кўра чуқурроқ талаффуз этилиши сабабли уни “О” ва “У” ўртасида якинлаштириб, юмшоқ талаффуз этиш лозим. Ундош товушларни кескин, чакқон ва аниқ талаффуз қилиб, уларни унли товушлар позициясида куйлашга ўргатиб бориш лозим. “Қ”, “Ҳ” ва “Р” товушлари нутқда томоққа якин талаффуз этилиши сабабли куйлашда уларнинг талаффуз механизмини ўзгартирмай, юмшоқ куйлашга эришиш лозим. Аслида ўзбек шеърининг ўзининг лирик хусусияти, нафосати, майинлиги ва мусиқийлиги билан машҳурдир. Шунинг учун куйлашда товушларни тўғри шакллантириб, машқ ва кўшиқ сўзларини ифодали, аниқ ва хушоҳанг талаффуз этишга эришиш, вокал – хор ишларининг юғида муҳим рол ўйнайди. Миллий тилнингсоф талаффузига эришиш учун ёрдам беради ва миллий ашулачилик услубида эркин куйлашга имкон яратади.

Дарснинг мусиқа тинглаш элементи алоҳида аҳамият касб этади. Биринчидан, ўқувчиларнинг ашула айтишдан кўра мусиқа тинглаш имкониятлари анча кенгдир, чунки улар фақатгина ўз овоз диапазонларига ва вокал – хор малакалари доирасига хос кўшиқларни куйлай оладилар. Мусиқа тинглашнинг асосий вазифаси ўқувчиларда мусиқа тинглаш маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Бунда мусиқанингвақтли санъат тури эканлигини ҳисобга олиш лозим. Мусиқа эса аниқ ритм ўлчовидаги муқаррар вақт жараёнида янграйди. Шунинг учун уни барқарор тинглаб, унинг ҳар бир муҳим элементини ўз вақтида англаб олиш зарур. Мусиқа саводини ўтишнинг дастлабки даври мусиқий товуш ва мусиқа товушқатори ҳақида тушунча беришдир. До мажор товушқаторини эса, ўрганиладиган кўшиқ билан боғлаб ўрганиш лозим. Мусиқа саводига доир барча элементларни ўтишда айниқса, дарсларида берилган бадиий дидактик расмларда кўргазма сифатидан кенг фойдаланиш лозим.

Дарснинг мазмунига қараб, унинг таркиби (структураси) турлича, яъни икки ва уч элементли бўлади. Янги кўшиқ билан танишиш ва уни қисман ўрганиш режалаштирилган бўлса, мазкур дарс икки элементли мусиқа саводи ва ашула айтишдан иборат бўлиши мумкин, чунки овоз созлаш ва мусиқа саводидан сўнг янги кўшиқ ҳақида керакли маълумотлар берилади, унинг мусиқаси ва бадиий – ғоявий мазмуни таҳлил этилади. Кўшиқ текстининг мазмунини ҳаёт билан боғлаб, мисоллар билан тушунтирилади. Кўшиқ ижросининг бадиий жиҳатдан ифодаланганлиги бир мусиқа товушини бадиий сўз бўғини билан аниқ – равшан талаффуз қилинишига боғлиқ эканлигини ўқувчиларга уқтириш лозим. Мусиқа саводини мустақил дарс мазмунидан ажралган ҳолда олиб бориш формал натижаларга олиб келади. Шунинг учун мусиқа саводига оидҳар бир элемент аниқ педагогик мақсадни кўзлаган ҳолда дарс мазмуни билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Мазкур куплет бирнеча марта ўқитувчи томонидан куйлаб кўрсатилади, сўнг уни қисмларга бўлиб секин темпада ўргатилади. Шу бир куплет тўлиқ ўрганилгандан сўнг, у хор бўлиб кичик группада ва айрим ўқувчилар томонидан яккахонлик тарзида куйланади. Хор бўлиб куйлагандаэришилган ютуқлар таъкидланиб, илғор ўқувчилар рағбатлантирилади. Бу вақтда хушовоз ва қобилятли ўқувчиларни намуна сифатида куйлатиш ҳам мумкин, чунки уларнинг овоз хусусиятлари ва мусиқа талаффузлари бошқалар томонидан тез қабул этилади. Шунингдек, мазкур кўшиқнинг профессионал ижрочилар ёки болалар хори ижросидаги граммёзувларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўшиқмазмунининг таҳлили жараёнида мавзуга доир бадиий расмлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кўргазмали курулларнинг доимий амал қилувчигури мусиқа асбобидир.

Айтим (айтим) ижро жараёнида ўқувчилар куйлаш қоидаларини ўрганиб кўшиқларни юксак бадиий дид билан айтишлари уларга завқ бағишлайди. Турли аудио ёзувлардан тингланган кўшиқ, ашула, ария ва бошқа айтим намуналари ҳам ўқувчиларга кучли таъсир кўрсатади ва уларнинг мусиқий дидларини ривожлантиради.

2.2. Мусиқа маданияти дарслари ва дастури дарсликларида хилма – хил тур ва жанрларига мансуб айтим вокал асарлари.

Мусиқа маданияти дарслари ва дастури дарсликларида хилма – хил тур ва жанрларига мансуб айтим вокал асарлар берилган. Бу асарларнинг асосий қисми куйлаш учун ва маълум қисми тинглаш учун берилган. Куйлаш учун берилган кўшиқларнинг аксарияти замонавий композиторлар ижодиётига мансуб бўлиб, улар ўқувчиларнинг ёшларига қараб, қизиқишларини ҳисобга олибтурли тарбиявий мавзуларга бағишлаб яратилган кўшиқлардир. Бошланғич синфларда “Салом мактаб” Ш. Ёрматов мусиқаси, “Бинафша” Ғ. Қодиров мусиқаси, “Пианино” Ж.

Нажмиддинов мусиқаси, “Куз” С. Абрамова мусиқаси, “Қўғирчоғим” С. Абрамова мусиқаси, “Бахти эркатой” Т. Тошматов мусиқаси, “Онажонлар байрами” Илёс Акбаров мусиқаси, “Кичкинтоймиз–гижингтоймиз” К. Кенжаев мусиқаси шунингдек композиторлар ижодидан ташқари Читтигул, Қуёним, Чори чамбар каби болалар халқ кўшиқ ва ўйинлари ҳам берилган. Худди шу тизим билан яъни меҳнат тарбияси, жисмоний маданият, ахлоқ ва одоб, табиат ва уни асраш, ота–оналар, ўқитувчилар, мактаб, ўқув қуроллари ва бошқа мавзуларга бағишланган композиторлар кўшиқлари келтирилган. V-VII синфларда куйлаш учун мўлжалланган айтим–вокал асарлар, булар орасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси А. Орипов шеъри, Мутал Бурхонов мусиқаси, “Азиз устозлар” С. Бобоев мусиқаси, тинглаш учун болалар хори ижросига Ш. Ёрматов мослаган. “Бойчечак” болалар халқ кўшиғи, “Хур республика” А. Мансуров мусиқаси, “Чумоли” Алишер Расулов мусиқаси, “Ўзбекистоним” Шариф Рамазонов мусиқаси, “Сумалак” Ш. Ёрматов мусиқаси, “Она қўллари” Ғ. Қодиров мусиқаси, “Хайр мактабжон” А. Мансуров мусиқаси каби кўшиқлар шулар жумласидандир.

Мактабда мусиқа таълими ва тарбиясининг яқунловчи босқичи бўлган VII-синфда Ўзбекистондаги асосий тўртта ҳудудга мансуб мансуб бўлган мусиқий анъаналар борасида маълумотлар берилган. Қашқадарё–Сурхондарё вилоятларида асосан чорвачилик ва деҳқончилик меҳнати кенг тарқалганлиги сабабли ва дoston ижро анъаналари мавжудлиги сабабли бу ҳудуднинг мусиқий анъаналари дoston ва меҳнат кўшиқлари мавзусида тақдим этилган. Бу ҳудудларга мансуб дўмбира куйи VII-синф мусиқа дарслигида берилган. VII-синф учун Оқилхон Иброҳимов ва Жамил Садиров томонидан тузилган ва 2001 йил Тошкентда нашр этилган мусиқа дарслигида тавсия этилган айрим айтим (вокал) намуналар дарслигининг кейинги 2004 йил 3–наширида қолдириб кетилган.

Бунинг сабаблари фикримизча болалар тинглаб қабул қилиши учун унчалик қизиқарли бўлмаганидир. Аммо бошқа сабаблари бўлиши мумкин, яъни Қашқадарё – Сурхондарё учун одат бўлган дoston ижросини бошқа худудларда қабул қилиш мураккаброқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб гўрўғли достонидан “Гўрўғлининг от устидаги сафари” ва меҳнат жараёнига мансуб бўлган “Шох мойлар” янги 3-нашрда крмай қолган. Бундай мисолларни кейинги мавзулар бўйича ҳам келтириш мумкин.

VII -синф ўқувчиларига алоҳида эътибор берилиши керак, чунки бу ёшда кўпчилик ўғил болаларда ҳам, киз болаларда ҳам мутация даври авж олади (овози ўзгаради). Бу вақтда 13-14 ёшдаги ўғил болаларнинг овози кескин ўзгаради. Айниқса, ўғил болалар овозлари пасая бoриб, овоз диапазони тушиб қолади. Ҳатто овоз ўзгаргандан кейин, яъни мутациядан сўнги дастлабки даврда ҳам (эркакча овоз деб 2-шартли айтиладиган) овоз диапазони кўпинча чекланган бўлади, бу овознинг тембр хусусиятлари ноаниқ бўлади. Булар репертуарни тегишли суъратда чеклаш ва пухта танлаш заруратини келтириб чиқаради. Бу вақтда кўпроқ икки овозли репертуар тавсия қилинади. Ўғил болалар сопрано ёки алт овози билан айтиладиган ашулани бир октава паст оҳангда такрорлаши мумкин. Бу ёшдаги баъзи ўғил болалар ҳали болалар овози билан, яъни сопрано ва алт овозларига мос келадиган овоз билан ашула айтадилар. Бироқ болалар овози билан ашула айтувчиларнинг диапазони ҳам, эркакча овоз билан ашула айтувчиларнинг диапазони ҳам чекланган (баъзи квинта-секста даражасида, До¹-ля бемол ¹, - ля¹ оралиғида) бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўғил болалар ўз диапазон доирасига крмайдиган ашула қисмларини айтмасликлари керак. Ашула айтиш мураккаб психофизиологик жараёндир. Ашула айтганда бола организмнинг деярли ҳамма аъзолари, айниқса, товуш ҳосил қилувчи артикуляция, нафас органлари ва нерв тўқималари (нерв системаси) фаол иштирок этади. Агар мазкур органларнинг

бири ашула айтиш жараёнида нотўри ишласа, овоз апаратига ва овоз ҳосил бўлишига зиён етиши мумкин.

Шунинг учун вокал малакаларини ҳосил этишда бу органларнинг бир вақтда ўзаро алоқада ва нормал ишлашга эришиши зарур. Бу тадбирлар нафаснинг текис, осойишта, тўлқинли чиқишига ва нутқ талаффузининг яхши ривожланишига катта ёрдам беради. Мусиқа ўқувини ўстириш, овозни парвариш қилиш ва вокал хор малакалари ҳосил этишда махсус вокал машқлари, яъни уч товушли, паст босқич ёки юқори босқичдаги товушлар орасида ва унинг квинта ёки октава миқёсидаги қисмларида ашула айтиб, бир овозда асосан, яллалар ёки қўшиқлардан парчалар айтиб, «овозни маромга солиш» катта аҳамиятга эгадир.

Нотага қараб ашула айтиш малакаси ҳам шу хилда машқ қилиш йўли билан ҳосил этилади. Бу хилдаги машқлар учун ҳар дарсада 3-6 минут вақт ажратилади. Дастурда чолу асбоби билан жўр бўлиб ва жўрсиз ашула айтилиши назарда тутилган.

Жўрсиз ашула айтиш (акапелла) мусиқа укувининг ўсишига кўп овозли ашулаларнинг ҳамжиҳатлик билан айтилишига, оҳангдошликка, диққатни кучайтиришга ёрдам беради. Мусиқа асбоби жўрсиз хор билан ашула айтганда ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ашуладаги барча нотўғриликларни яхши сезадилар. Жўрсиз ашула айтишни ўрганишнинг аҳамияти ҳам ана шундадир.

Дастурда кўрсатилган қўшиқлардан ташқари, ўқитувчи матбуот, радио ёки телевидения орқали эълон қилинган янги қўшиқлардан ҳам танлаб олиш мумкин. Шунингдек, айрим қўшиқларни чоракдан чоракка ёки синфдан синфга кўчириш ҳуқуқи ҳам берилади. Шунга интилиш керакки, болалар синфда ўрганиб олган қўшиқларини ҳар ёқлама англаб, таъсирли қилиб ижро эта оладиган бўлсин. Бу эса қўшиқнинг қандай ўрганилганлигига, ўқитувчининг қўшиқдаги бадиий образни нечоғли ишонарли қилиб очиб бера олганлигига болиқ бўлади. Ўқитувчининг дарсга яхши тайёрланиши қўшиқни

муваффақиятли ўргатишнинг муҳим шартидир. У болалар билан биринчи марта ўрганиладиган ашулани жуда яхши билиши, тўғри ва таъсирли куйлаб бериши керак. Ўқитувчи кўшиқни чуқур ўрганиб чиққанидан кейингина уни болаларга ўргатиш мумкин. Ҳар бир кўшиқни, ҳатто энг оддийсини ҳам, жуда синчиклаб таҳлил этиш, унинг ғоявий мазмунини билиб олиш ва мусикада шу мазмуннинг қандай ифода воситалари билан акс эттирилишини аниқлаб олиш зарур. Бутун кўшиқни ижро этиш режаси олдиндан белгилаб олинади ва ўқитувчининг дарсда ўтказадиган суҳбатларининг мазмуни, яъни кўшиқнинг асосий суръати ва ундан четланишлар, ранг-барангликлар, товуш хусусиятлари уйлаб чиқилади. Агар оғизни юмган ҳолда куйлаш, хор ва яккахон - пешхонларнинг алмашиб туриши каби ижро усуллари билан кўшиқ жарангдорлигига хилма-хиллик киритиш мумкин бўлса, ўқитувчи бу усулларни қаерларда қўлланиш ва болалардан қайси бири яккахон бўлиши кераклигини белгилаб қўяди. У текстнинг таъсирини кучайтириш учун кўшиқнинг қайси сўзларини ажратиб кўрсатиш ва уқтириб ўтиш зарурлигини мулжаллаб қўяди. Шунингдек, кўшиқни ижро этиш техникасини ҳам пухта билиб олиб, қандай жойларда нафас олишни қўллай билишини, кўшиқни қайси томонлари мураккаблигини, нима учун болаларнинг ўзлаштиришлари қийинлиги ва қайси томонларини ўзлаштиришлар осон бўлишини аниқлаш керак. Ўқитувчи кўшиқнинг мураккаб ўринларини аниқлагач, уларни ўрганишни осонлаштирадиган воситаларни топа олади. Масалан, бу ўринлар интонатсия қийинчиликларидан иборат бўлса, ёрдамчи машқлар тузилади.

2. Кўшиқ ўргатиш жараёнининг бир неча асосий пайтлари бор:

1. Ўқитувчининг кўшиқни ижро этиши;

2. Суҳбат ўтказиш;

3. Кўшиқ текстини ўргатиш;

4. Кўшиқ куйини ўргатиш;

5.Ўрганилган кўшиқни мустаҳкамлаш;

6.Кўшиқнинг бадиий ижроси устида ишлаш

Ҳар қандай кўшиқни ўргатишда ана шундай пайтларга риоя қилиши шарт. Буларни бажариш изчиллиги эса ўрганилаётган кўшиқнинг хусусиятига боғлиқдир.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ҚЎШИҚНИ ИЖРО ЭТИШИ – ўқитувчининг кўшиқни ижро этиши уни ўргатиш жараёнидаги муҳим бир пайт ҳисобланади. Ўқитувчининг кўшиқни нечоғли аниқ ва равшан, таъсирли ижро этса, бу кўшиқ ўқувчиларга шунчалик тушунарли бўлиб қолади, кўшиқни ўрганиш уларга осон бўлиб кўринади. Болалар кўшиқни кучли таасурот билан тинглашар экан, уларнинг шу кўшиқни тезроқ ўрганиб олгилари келади. Шундай қилиб, болаларни жим ўтириб зўр диққат билан кўшиқ тинглашга одатлантира бориш керак. Ўқитувчи кўшиқни бошидан охиригача ҳам, қисман ҳам ижро этиши мумкин. Агар кўшиқ табиат манзараларини акс эттирса, йил фасллари ифодаланса, унда қандайдир умумий мазмун ва кайфият баён қилинадиган бўлса, кўшиқнинг бир бандини ижро этишнинг ўзи кифоя қилади, бошқа бандларини эса куйламасдан ўқиб берилади холос. Аммо айрим қаҳрамонларга, тарихий воқеаларга оид кўшиқ ва ашулаларда бўлганидек, кўшиқ ривожининг умумий йўли яққол маълум бўлса, болаларда яхлит бадиий образ таасуротини ҳосил қилиш учун кўшиқни тўлиқ ижро этиш афзалроқ бўлади.

СУҲБАТ. – кўшиқ ўргатиш олдидан, одатда, кўшиқнинг мазмуни ва мусиқавий таъсирчанлиги, унинг мусиқасини ёзган композитор ва шеърини ёзган шоир ҳақида суҳбат ўтказилади. Бу суҳбат ўқувчининг кўшиқни ижро этишдан олдинги кириш сўзи ва ундан кейинги хотима - хулоса сўзи тариқасида ўтказилиши мумкин. Кириш сўзи ниҳоятда қисқа ва хилма-хил мазмунда бўлиши керак. Чунончи, ўқитувчи фақат кўшиқнинг номини, унинг композитори ва шоирининг номини айтади ёки шу асарни яратган композиторнинг ҳаёти ва

ижодий йўлидан 1-2 та ёрқин воқеани гапириб беради. Тарихий воқеаларга, қаҳрамонларга бағишланган кўшиқ ва ашулаларни ижро этишдан олдин суҳбат ўтказилади. Бундан кўзланадиган мақсад болаларнинг шу кўшиқ тўғрисидаги таасуротини кучайтиришдан иборат. Бундай суҳбатда болаларнинг ўзлари ҳам актив иштирок этишлари мумкин. Улар айрим воқеалар ва қаҳрамонлар тўғрисида эшитиб ёки ўқиб билганларини гапириб беришади. Агар кўшиқда нотаниш сўзлар учрайдиган бўлса, болаларнинг идрок жараёнини кийинлаштириб қўймаслик ва диққатини чалғитмаслик учун уни тинглашдан олдин, нотаниш сўзларга изоҳ берилади. Кўшиқни ижро этиб кўрсатгандан кейин анча батафсил суҳбат қилинади, аммо бу суҳбат жуда чўзилиб кетмаслиги шарт. Болалар ўқитувчи ижро этаётган кўшиқни тинглашар экан, таъсирланиб, руҳланиб кетишади. Шу кўшиқ тўғрисида уларда фикр олишув истаги туғилади. Бу истак дарснинг жуда муҳим пайтидир. Ўқитувчи суҳбатни йўлга солиб, бошқариб туриши керак. Бунда у болаларга бир қанча саволлар беради: Кўшиқда нима ҳақида сўз боради; унинг мусиқаси қандай хусусиятга эга; у оғир – вазмин айтиладими ёки тез айтиладими; у марш кўшиқга ўхшайдими ёки рақс кўшиқга; болалар жўрнавозликдан қандай завқ олишди ва ҳ.к. Бундан ташқари, ўқитувчи шу суҳбатда болаларга янги билим ва тушунчаларни бериб, кўшиқдаги бадий образни - кучайтиришга ёрдам қилувчи мусиқали ифода воситаларини уларга тушунарли шаклда очиб бериши керак.

Айрим ҳолларда кўшиқнинг куйни болаларнинг эсига солиш учун суҳбатдан сўнг уни иккинчи марта ижро этиш маъқул. Кўшиқ ижро этилиб, унинг ҳақида суҳбат ўтказилгандан кейин, ўқитувчи кўшиқни бевосита ўргатишга киришади.

Кўшиқ текстини ўргатиш – кўшиқда киши онгига кучли таъсир кўрсатувчи восита бўлган мусиқа билан сўз чамбарчас боғланади. Кўшиқни ўргатиш жараёнида ана шу икки компонентнинг муҳим ўрнини эгаллаши алоҳида аҳамиятга эга. Болаларни кўшиқнинг текстини тез ва осонгина эсда қолдиришга ўргатиш лозим. Қуйи синфларда кўшиқ тексти бевосита дарсда ўргатилади. Бунинг сабаби шуки, болалар ҳали тез ва беҳато ёза олмайдилар, шеърни ёзиб

олиш эса жуда кўп вақтни олади. Дарсда ўқитувчи одатда адабий асарнинг мураккаб турига қараб тўртликни (бир банд шеърни) ёки унинг қисмини тўрт марта ўқиб эшиттиради; сўнгра ўқиб эшиттирилган текстни ўзи билан биргалашиб такрорлашни болаларга таклиф қилади. Ўқитувчи текстдаги сўлзарни тўғри, таъсирли, аниқ, талаффуз этиши керак. Ўқувчиларнинг ҳам худди шундай талаффуз этишларини талаб қилиш зарур. Улар текстни шивирлаб, аммо оҳангдор қилиб ўқиб беришлари фойдали бўлади; бундай ўқиш артикуляция аппаратини активлаштиради.

Қўшиқнинг текстини бутун синф 2-3 марта такрорлагандан кейин айрим ўқувчилардан уни дикломация қилиб бериш сўралади. Айни маҳалда бошқа ўқувчилар ўртоқларининг хатоларини тузатишлари учун шеърни диққат билан тинглаб, уни дилда такрорлашлари керак. Текстни «занжирбанд» қайтариш маъқул: бир бола биринчи сатрни, бошқа бола иккинчисини, учинчи бола учинчи сатрни ўқийди ва ҳ. к. Бундай ўқиш болаларнинг диққатини активлаштиради. 2-синфдан бошлаб ўқувчилар алоҳида дафтар тутиб, ўрганилаётган қўшиқларнинг текстини ёзиб боришлари керак. 3-7 синфларда ўқитувчи қўшиқнинг текстини айтиб ёздирди. Қуйи синфларда қўшиқ текстини махсус жадвал - плакатларга қараб ёки доскадаги ёзувларга қараб ўрганиш лозим. Юқори синфларда ўқитувчи синфга янги текстнинг 2-3 нусхасини олиб келиб, болалардан уни кўчириб кўпайтиришни илтимос қилади. Бундан ташқари, юқори синфларда қўшиқ текстини бевосита дарсда ўрганиб, ёдлаб олиш усули қуйиланилмоқда. Қисқа ва оддий текстларни бир дарснинг ўзидаёқ батамом ўрганиб олиш мумкин. Лекин шундай шеърлар ҳам борки, уларда бир банднинг ўзи икки-уч қисмидан иборат бўлади. Бундай шеърлар бир неча дарс давомида ўзлаштирилади. Бордию бу ишни бир йўла бажаришга уриниб бевосита ашула учун ажратилган вақт фақат шеърни ўрганишга сарфланадиган бўлса, метод жиҳатдан нотўғри иш қилинган бўлади. Биринчи банд сўзларини синчиклаб ўрганиб олиш шарт эмас, чунки қуйни ўргатишда бу сўзлар кўп марта такрорланиб, ёдда қоладиган бўлади. Аммо кейинги бандларни бу хилда ўргатиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки болалар энди

куйни анча яхши билишади ва уларни куйни кўп марта такрорлаш пайтида текстни қайта-қайта пухталайверишларига зарурат қолмайди. Шу сабабли янги бандларини текстини анча синчиклаб ўрганиш керак.

Қўшиқни куйини ўргатиш — биринчи банднинг тексти ўзлаштирилгандан кейин, қўшиқнинг куйини ўргатишга киришиш мумкин. Бу иш болаларнинг ҳам ўқитувчининг ҳам диққат-эътиборини талаб этади. Куйни ўргатиш олдида уни бирон мусиқа асбобида чалиб ёки қўшиқнинг биринчи бандини айтиб болаларга яхши эслатиб ўтиш керак. Натижада улар ўрганилаётган қўшиқ тўғрисида анча тўла таасурот олишади. Болалар ўзларига нотаниш янги куй билан танишаётганларида унинг айрим қисмларини ўргатишни бошлаш мумкин; кейинчалик болаларда ўша қисмлардан мукамал мусиқавий образ таркиб топади. Қўшиқнинг куйни ўрганиб олишда муайян изчиллик мавжуддир. Одатда куй мусиқа таркиблари бўйича ўрганиб борилади. Дастлаб биринчи таркиб, сўнгра иккинчи, учинчи ва ҳ. к. Таркиблар таҳлил қилинади ва ўргатилади. Ўқитувчи уларнинг ҳар бирини оҳанги билан айтади ва 2-3 марта чалиб беради, ундан кейин ўзи билан биргаликда маълум таркибни оҳанги билан айтишни болалардан талаб қилади. Одатда, болалар дастлаб қўшиқни дадил айтиша олмайди, аммо бир неча бор такрорлаш туфайли тобора дадил айтадиган бўлишади. Бордию ўрганилаётган таркиб болаларга етарли даражада тушунарли бўлмаса, уни яна бир марта чалиб ва айтиб беради. Бу ўринда меъёрни билиш ва ҳатто маълум бир таркиб етарли ўзлаштирилмаган тақдирда ҳам, уни ўрганиш устида узоқ тўхталиб қолмаслик лозим. Шунини унутмаслик керакки, бундай ҳолда болаларнинг диққати заифлашади, шу сабабдан улар чарчаб, пассивлашиб қолишади, бу эса таълим натижасига салбий таъсир қилади. Шунини учун қўшиқнинг қийин жойига кейинроқ яна қайтиш маъқул.

Қўшиқнинг мураккаб жойларини айниқса синчиклаб ўрганиш керак. Бу пайтдаги қийинчиликлар одатланилмаган интонация (давра) лар билан, қўшиқ куйидаги сакрашлар билан, алтерация кабиларнинг ноқулайлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай қийинчиликларни қунт ва ғайрат билан бартараф

килиш зарур, чунки агар куй тамомила тўғри ўрганиб олинмаса, хатоларни тузатиш ниҳоятда қийин бўлади, баъзан эса уларни тузатиш мумкин бўлмайди. Бу ҳолда ўқитувчи хатоларга йўл қўймаслиги учун шу қўшиқни уйда такрорламасликни болаларга уқтириб қўяди. Шунингдек, куйни ритмик томондан мураккаблиги туфайли уни ўрганиш қийинчиликлари юз бериши мумкин. Куйнинг болалар идроки учун мураккаб бўлган ритмик шаклини ўзлаштиришни чапак чалиб кўрсатиш йўли билан осонлаштириш мумкин. Қўшиқнинг маълум бир буғини бир неча нота куйланаётган жойлари болаларни дам-бадам қийнаб туради. Бундай жойларни шеър билан куйламай, балки «ля» сингари нейтрал буғинлар билан куйлаш фойдали бўлади; бундай куйлаш идрок этишни осонлаштиради ва тезлаштиради. Тез темпда (суръатда) ёзилган кўшиқларни фақат секин темпда ўрганиш лозим, акс ҳолда интонация ва ритм аниқ ўзлаштирилмай қолади, демак, кўшиқ пала-партиш ижро этиладиган бўлади. Шу сабабли куйни яхши ўзлаштиргандан кейингина темпни композитор томонидан кўрсатилган даражага аста-секин яқинлаштириш мумкин. Бундан ташқари, тез темпли кўшиқларни ўргатишда уларнинг сўзларини аниқ талаффуз этилишига эришиш, кўшиқ тамомила ўрганиб бўлгунга қадар ана шунга ҳаракат қилиш зарур. Шахдам кўшиқлар ўрганилганда шошилиш ва ҳовлиқиш ярамайди. Секин айтиладиган кўшиқ устида чакқонлик билан ишлаш зарур, акс ҳолда болалар сустлашиб кетишади.

Қўшиқ ўргатиш жараёнида ҳар хил усулдан фойдаланиш зарур. Ҳар бир синфда хушовоз, баъзан, эса мусиқага жуда қобилятли болалар бўлиши табиийдир. Улар кўшиқ оҳангини ўрганишда ўқитувчининг ёрдамчилари бўладилар. Синфдаги парта қаторлари ўртасида мусобақа уюштиргандек бўлиб, болаларнинг кўшиқ оҳангини қанчалик билишларини текшириб кўриш фойдали бўлади, шунинг бундай методи болаларни активлаштиришга ёрдам қилади ва ижодий руҳлантиради. 3-синфдан бошлаб энг оддий кўшиқларни нотага қараб ўрганиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи олдиндан катта плакатда ёки дарс бошланишига қадар синф доскасида ашула ёзувини тайёрлаб қўяди. Солфеджио

кила бошлаш олдида болаларнинг ҳаммаси айна бир вақтда ноталарни 2-3 марта ўқиб чиқади, Шундан кейин улар куйни бир неча марта солфеджио қилишга сўнгра уни сўзлари билан айтишга уриниб кўришлари лозим. Маклабнинг 3-синфидан бошлаб дарсда бир овозлик кўшиқлардан ташқари икки овозли кўшиқлар қийинроқ уч овозлик кўшиқлар ўрганилади. Бундай кўшиқларни ўрганишда ҳар бир партия бир овозлик кўшиқ ўрганилганидек, синчиқлаб ва худди уша метод билан ўрганиб чиқилмоғи керак. Бу ерда ўқитувчи ўзини ҳамиша назорат қилиб бориши ва қандайдир бир хор партиясининг ишига ортик даражада берилиб келмаслиги лозим. Акс ҳолда синфда тартибсизлик ва шовкин пайдо бўлади. Ваҳоланки, бунга ҳеч қандай шароитда асло йўл қўйиб бўлмайди. Гоҳ бир партия билан, гоҳ бошқа партия билан навбатма-навбат ишлаш керак. Ўқитувчи биринчи овоздаги ўқувчиларга бошланғич таркибни ўргатиб булгач, шу таркибни ўзини иккинчи овоздаги ўқувчиларга ўргатади. Шундан кейин иккала партияни албатта бирлаштириб, асосий диққатни иккинчи овозларга қаратиш зарур.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактаби мусиқа маданияти дарсларида турли мусиқий асарлар, жумладан вокал (айтим) асарлар ҳам куйлаш ҳам тинглаш материали сифатида кўплаб киритилган. Айтим вокал асарларида сўз матни мавжудлиги уларни мазмунини тушуниб олишини анча енгиллаштиради. Бошланғич синфларда замонавий композиторлар кўшиқлари билан бир қаторда “Лайлак келди”, “Зув-зув борағай”, “Ёмғир ёғалоқ” каби болалар халқ кўшиқлари “Читти гул”, “Биздан сизга ким керак” сингари болалар ўйинлари берилган. Бу кўшиқларни куйлаш жараёнида ўқувчилар фаслларнинг ўзига хос хусусиятлари, табиат гўзаллиги, қушлар, ота-аналар ва ўқитувчиларга ҳурмат кўрсатиш, меҳнатнинг турлари, уларга ҳурмат билан қарашни ўрганадилар. Юқори синфларда ўқувчилар яккаҳонлик, ансамблда куйлаш, хорда куйлаш каби тушунчаларни ўзлаштириб, ижро турларини тасаввур қиладилар. 5-7 синфларда композитор ва бастакорлар томонидан яратилган кўшиқлардан ташқари халқ кўшиқлари, аллалар, яллалар, лапарлар, термалар ва шунинг билан бирга мақом парчалари, мумтоз ашулалар, катта ашулалар, достон кўшиқлари билан танишадилар. Танишиш жараёни асосан икки хилда кечади. Ўқувчилар куйлаш йўли билан ўзлашўтириб оладиган мураккаб асарларни маълум оддийроқ жойларини (Чоргоҳ IV, Таронаи дугоҳ хусайни) куйлаш орқали (баланд авжларига чиқмасдан) айтишлари назарда тутилган. Мақом ашула шўьбалари асосан тинглаш учун тавсия этилган. Мақом, мумтоз ва катта ашуланамуналарида аруз вазнидаги мумтоз ғазаллар кўплаб ишлатилган. Алишер Навоий, Бобир, Фузулий, Атоий, Нозима, Муқумий, Фурқат каби классик шоирларимизнинг шундай ғазалларида кенг фалсафий маъно, ахлоқий, эстетик тарбияга доир фикрлар, кишини мафтун қиладиган нафис ўхшатишлар борки, улар мусиқий куйга солингандан кейин жуда таъсирчан тарбия воситасига айланади. Ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини жумбишга келтирадиган айтим (вокал) мусиқа асарлари энг зарурий тарбия омили бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Миллий истиқлол ғояси Қ. Назаров Тошкент 2002 й.
2. Отаназар Матёқубов – Мақомот мусиқа нашриёти Тошкент 2004 й.
3. Умумий ўртатаълим давлат таълим стандарти ва ўқув дастури
(Мусиқа Тошкент 1999 й.)
4. Р. Ю. Юнусов ўзбек халқ мусиқаси ижоди иккинчи қисм Тошкент
2000 й.
5. Мусиқа алифбоси 1-синф учун дарслик тузувчилар: Ҳ. Нурматов,
Н. Норхўжаев (3-нашр) Тошкент 2002й.
6. Мусиқа 7-синф учун дарслик тузувчилар: О. Иброҳимов, Ж.
Садиров (3-нашр) Тошкент 2004й.
7. И.Ақбаров .«Мусиқа луғати»
8. Сафаров О., Атоев О.,Тўраев Ф. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари.
Тошкент, “Фан”, 2005 й.
9. Саипова Д. Ю. МУСИҚИЙ ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ Маърузалар
матни Тошкент- 2008.
- 10.Р.Юнусов. Истиқлол мафкураси ва мусиқий жараён. Т., 2002.
- 11.Р.Абдуллаев. Миллий истиқлол ва мусиқа. Т., 2002.
- 12.С.Маннопов. Сўнмас наволар. Фарғона, 2003.
- 13.Р.Турсунов.Халқ мусиқа ижодиёти ва адабиёти Тошкент 2003.
14. Р.Турсунов. С. Маннопов. Анъанавий кўшиқ ижрочилиги услубиёти.
Ижод дунёси нашриёти 2003

ИЛОВАЛАР:

KICKINTOYMIZ — GIJINGTOYMIZ

P. Mo'min she'ri

K. Kenjayev musiqasi

O'rtacha tez.

Do's-ti-miz ko'p, O-ti-miz cho'p,
Lof qil-may-miz, Chop-qil-lay-miz,
Kich-kin-toy-miz — Gi-jing-toy-miz,
Kich-kin-toy-miz — Gi-jing-toy-miz, Xi-xi-xi!
Kich-kin-toy-miz, Gi-jing-toy-miz.
Kich-kin-toy-miz — Gi-jing-toy-miz xi-xi-xi! xi-xi-xi!

Hazillashib,
"Hazillashib"
Quvnashamiz,
Quvlashamiz,

Bizlar har kun,
O'sib durkun,
Hech qo'rqmaymiz,
Kuch to'playmiz!

Kichkintoyimiz —
Gijingtoymiz,
Xi-xi-xi!

Kichkintoyimiz —
Gijingtoymiz,
Xi-xi-xi!

5 – синф IV чорак 4 – дарс

Мавзу: Ўзбек мусиқасида опера жанри.

Мақсад:

- а) Опера ҳақида тушунчага эга бўлиш
- б) Ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш
- в) Мучиқа жанрдари, мусиқа тарихини билиш

ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш.

Дарс тип: Аралаш

Дарс усули: Ақлий ҳужум, карточкалар билан ишлаш.

Дарс учун зарур жиҳозлар:

Тарқатма материалла, мусиқа саводига оид тарқатма материаллар, магнитофон, видео тасма. Мультимедиа.

Дарс босқичлари ва вақт тақсимоти

№	Дарс босқичлари	Вақти
1	Ташкилий қисм Ўқувчилар билан танишув Гуруҳларга ажратиш	2 дақиқа
2	Ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш Экрандаги саволларга жавоб Ақлий ҳужум. Карточкалар билан ишлаш.	10 дақиқа
3	Янги мавзу Ўзбек мусиқасида опера жанри	10 дақиқа
4	Қўшиқ куйлаш Гул терди гуллар	10 дақиқа
5	Мусиқа саводи: карточкалар билан ишлаш	10 дақиқа

6	Дарс якуни. Мустахкамлаш рағбатлантириш.	2 дақиқа
7	Уйга топшириқ бериш.	1 дақиқа

Дарсинг бориши

Ташкилий қисм

Ўқувчилар билан танишув, гуруҳларга ажратиш

Ўқувчиларни 4 гуруҳга ажратилади.

1 – гуруҳ дуторчилар

2 – гуруҳ рубобчилар

3 – гуруҳ доирачилар

4 – гуруҳ чангчилар

Муסיқа остида кириб келадилар.

Ўқувчилар педжикларни тақиб унда тасвирланган расмга қараб гуруҳларга ажратиб оладилар. (Педжикка ўқувчиларнинг исми ҳам ёзилган, ўқувчиларни дарс қоидалари билан таништирилади. Дарсда рағбат карточкаларидан фойдаланиши айтилади. Айлананинг 4 қисмга бўлинган ҳар бир тўғри жавоб учун бир айлананинг бир бўлаги берилади.

Энг кўп бўлакча йиғиб айланалар ҳосил қилган ўқувчилар дарс якунида рағбатлантирилади.

Азиз ўқувчилар бугун дарсимизда мўжизалар майдончаси ўйинини ҳам ўйнаймиз. Майдончамизда муסיқага оид ҳикматли сўз беркитилган. Ким берилган саволларга тўғри жавоб берса ҳоҳлаган ҳарфини очиши мумкин. Агар сиз дарсда фаол иштирок этсангиз дарс якунида берилган ҳикматли сўз майдончада ўз аксини топади. Агар дарсда фаол иштирок этмасангиз

хикматли сўзни оча олмаймиз. Келинглари азиз ўқувчилар мусиқанинг сеҳрли оламига саёхат қилиб, мусиқий билимларимизни синаб кўрамиз. Экрандаги саволларга жавоб берамиз.

1. Тасвирдаги инсон ким? У ҳақда маълумот беринг.


2. Бастакор ким?

Ўқувчилар жавоби, ундан кейин бастакорнинг жавоби.

3. Берилган тасвирдаги чолғу асбобларини номларини санаб беринг.

Доскада кластер усулидан фойдаланиб, мусиқа жанрларини санаб ўтилади. Азиз ўқувчилар сиз қандай мусиқа жанрларини биласиз?

Рақс санъати



4. Берилган лавха мусиқанинг қайси жанр турига мансуб у ҳақда нималарни биласиз? (Тўмарис балети ҳақида) Балет жанрига мансуб, Улуғбек Мусаевнинг “Тўмарис”

5. Ҳайвонлар ижросилаги лавха мусиқанинг қайси жанрига мансуб? (“Ҳайвонлар султони” операси ҳақида)

Гуруҳларда ишлаш учун вазифа берилади. Вазифа шундай, ҳар бир гуруҳга ватман берилади. Ватманда табица мавжуд. Табицада рақс санъати, мусиқали драма ва комедия, балет, опера 5 та устун мавжуд. Конвертда мусиқа жанрларга оид асарлар берилган. Сизларга вазифа ҳар бир асарни ўз устунига жойлаб беринг. Вазифа учун 2 дақиқа вақт берилади.

Янги мавзу таблица ёрдамида тушунтириб берилади. Экранда “Ким бўлсам экан?” саволи чиқади. Аваз Мансуров “Хайвонлар операси”ни ёзганлиги кўрсатилади. Экранда Надим Норхўжаев кўрсатилади. Бу инсон ким деб савол берилади. Надим Норхўжаев ўзбек бастакоримиз. Улар 1947 йилда Тошкент шаҳрида туғилганлар. Надим Норхўжаев болалар учун жуда кўплаб кўшиқлар яратганлар. “Яхши бола”, “Чамандаги гуллармиз”, “Ўзбегимлан айланай”, “Гул терди гуллар” каби жуда кўп кўшиқлар ёзганлар. Бугун биз сизлар билан Надим Норхўжаевнинг “Гул терди гуллар” кўшиғини ўрганамиз. Кўшиқни куйлаб бераман ва бўлакларга бўлиб ўрганамиз.

Азиз ўқувчилар ҳозир сиз ўзингизни мусиқий саводингизни тест саволлари орқали текшириб кўрасиз.

Экранда тест саволлари берилади. Саволлардан сўнг жавоблар берилади. Сиз ўз дафтарингизга жавобларни белгиланг. Вазифа бажарилгандан сўнг экранда жавоблар чиқади. Ўқувчилар ўз жавобларини текширадилар.

Азиз ўқувчилар ҳозир биз сиз билан 5 чиси ортиқча ўйинини ўнаймиз. Карточкалар тарқатилади. Карточкада берилган қайси сўз ортиқчалигини топиб беринг ва изохлаб беринг.

1 – карточка.

1. Доира, ноғора, қайроқ, ғижжак, сафойил.

Бу ерда ғижжак сўзи ортиқча, чунки доира, ноғора, қайроқ, сафойил зарбли чолғу гурухига киради. Ғижжак эса торли, камонли чолғу гурухига киради.

2 – карточка.

Дутор, рубоб, ноғора, афғон рубоби, прима.

Буерда ноғора чолғу асбоби ортиқча. Дутор, рубоб, афғон рубоби, прима мезробли чолғулар, ноғора эса зарбли чолғу.

3 – карточка.

Дутор, рубоб, чанг, афгон рубоби, қашқар рубоби.

Бу ерда чанг чолғу асбоби ортиқча. Дутор, рубоб, афгон рубоби, қашқар рубоби мезробли чолғулар. Чанг эса торли чолғу.

4 – карточка.

Най, карнай, дутор, сурнай, қўшнай.

Дутор чолғу асбоби ортиқча, чунки карнай, сурнай, най, қўшнай дамли чолғу гурухига киради.

Дарс давомида тўғри жавоб берган ўқувчилар мўжизалар майдончасидаги ҳикматли сўзни очадилар.

Қани ўқувчилар қайси гурух айлананинг бўлакчаларини кўп йиғди? Фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади. Голиб гурух аниқланади.

CHAMANDAGUL
O'zbek xalq qo'shig'i

ёдла

Cha - man - da - gul o - chi - lib - di - yo cha - kan - ga taq,
cha - kan - ga. Biz - ning hov - li yo' - lin - giz
chin - ni bax - mal to' - nin - giz, Cha - man - da - gul
o - chi - lib - di - yo cha - kan - ga, taq, cha - kan - ga.

Алла айтимлари бастакор ва композиторлар томонидан
хамиждэтилади. Жумладан,
Австриялик композитор Волфганк Амадей Моцартнинг “Алла” айтими ма
шхур бўлиб, ўзбекилида шундай куйланади:

“Алла”

В. Моцарт мус.

Shoshilmasdan

Yot bo - lam, ux - la qo' - zini.

Uy - lar - da o'ch - di chi - roq

mp
Ux lar a - sal a - ri - lar

Ux - lar ba liq - lar tinch roq

Ko'k - da oy yar - qi - ray - di

de - ra - za - dan qa - ray - di

Ko'z - la - ring yum - gin qo' - zim